



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИНИНГ БОШЛИГИ А. ЮЛБАРИСОВ ТЎҒРИСИДА

Шу йилнинг 9 апрель куни Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманида қуролланган жиноятчини қўлга олиш пайтида оғир жараланиб, олган жароҳати натижасида вафот этган вилоят Ички ишлар бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Абдиқарим Юлбарисовнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида:

1. Ўз хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик ва жасорат кўрсатиб ҳалок бўлган Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи Юлбарисов Аб-


диқарим (марҳум) II даражали "Шон-шараф" ордени билан мукофотлансин.

2. Тошкент вилояти ҳокимлиги (У.Мирзақулов) милиция полковниги А.Юлбарисов туғилиб ўсган Ўрта Чирчиқ тумани Ўртасарой қишлоғидаги Хумсон маҳалласи фуқароларининг мурожаатини инобатга олиб, ушбу маҳаллани унинг номи билан аташ масаласини кўриб чиқсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 17 апрель.



ТЕЗКОР ВА ИШОНЧЛИ ХИЗМАТ

Тошкент шаҳар ИИББ патруль-пост бригадаси ходимларининг асосий вазифаси жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашдан иборат. Улар зиммаларидаги вазифаларни шараф билан ундашяпти. Айниқса, милиция подполковниги Пўлат Шарипов етакчилик қилаётган батальон юқори кўрсаткичларга эришяпти. Бўлинма ходимлари пойтахтнинг Бектемир ва Сирғали туманлари ҳудудида хизмат ўтайди.

– ППХ милиционерлари жисмонан чиниққан, бақувват бўлиши, қўл жанги усуллари эгаллаши, ўқотар қуроллардан моҳирлик билан фойдаланиши керак. Биз ана шулар ва уларнинг ҳуқуқий билимини оширишга катта эътибор берамиз, – дейди Пўлат Бўриёвич. – Ишлар, самарали бўлишини таъминлайдиган яна бир жиҳат бўлинманинг замонавий автотранспорт, алоқа воситалари билан таъминланганлигидир. Шу ўринда республика ИИБ, пойтахт ИИББ раҳбариятининг бу борадаги қамқўрлигини алоҳида таъкидлашни истардим.



Суратларда: бўлинма сардори, милиция лейтенанти И. Ҳасанов ва милиция сержанти И. Бегаев ҳужжатларни текширишяпти; батальон сардорининг ўринбосари, милиция капитани М. Матхолоқов белгиланган йўналиш томон йўл олмақда.

А. КЕНЖАЕВ олган суратлар.

ЯКУН ВА РЕЖАЛАР

Жазони ижро этиш муассасаларидан бирида Ўзбекистон Республикаси ИИБ пенитенциар хизмати раҳбар ходимлари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда соҳада 2003 йил биринчи чораги давомида эришилган натижалар муҳокама қилиниб, келгуси режалар белгиланди.

Йиғилишда республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, ички хизмат генерал-майори Р. Қодиров, ИИБ Қоровул қўшинлари қўмондони Н. Сулейманов, ИИБ ЖИББ бошлигининг ўринбосарлари, вилоятлар ИИБлари ЖИББ бошлиқлари, жазони ижро этиш тизими муассасалари раҳбарлари қатнашдилар.

О. БУРЕНОВ.



ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА

● Президент Жорж Буш АҚШ яқин вақт ичида янги ҳарбий кампания ўтказиш нияти йўқлигини маълум қилди.

● Ҳафталик танаффусдан сўнг Бағдоддаги турар жойларга қисман электр энергияси берилди. Ҳозирда зарарланган электр таъминоти тармоғини тиклаш ишлари давом эттирилмоқда. Аммо биноларнинг 80 фоизига яқин ўртада нур узатиш имконияти йўқ.

● Америкалик тўрт аскар Бағдоддаги Ироқ ҳукумати аъзолари қароргоҳидан топилган 700 миллион АҚШ долларида 1 миллионини ўғирлашга урингани учун ҳибсга олинди.

● Сербияда 2003 йил 12 март куни бош вазир Зоран Жинжич ўлдирилгандан сўнг эълон қилинган фавқулодда ҳолат бекор қилинди. Бу ҳақда Сербия Президенти вазифасини бажарувчи, серб парламенти раиси Наташа Мичич телевидение орқали гапирди.

● Россия ҳукумати навбатдан ташқари мажлисида 2004 йилдан бошлаб табиий газ экспорт пошлинасини 5 фоиздан 10 фоизга ошириш тўғрисида қарор қабул қилди.

● Индонезия полициячилари 17 жангарини қўлга олди, улардан бири террорчилик гуруҳининг етакчиси. Ҳафтада эса Балида уюштирилган террорчилик ҳаракатида иштирок этганликда гумон қилинмоқда.

● Афғонистон жанубида ҳарбий патрулга уюштирилган ҳужум оқибатида беш киши ўлди. Икки киши ҳукумат армияси аскарлари, қолганлар эса таҳминларга кўра "Толибон" ҳаракати жангариларидир.

● Буюк Британиянинг Ньюкасл шаҳрида яшовчи такси ҳайдовчиси Роберт Фрейзер миллий лотерея ўйнида 14 миллион 265 минг фунт стерлинг ютиб олди. У пулни олгач Испанияга кўчиб кетиш ниятида.

● Кениянинг шимолий ҳудудидида сувсизланган бабунлар идишда сув келтираётган тўрт қизалоққа ҳужум қилишди. Бунинг сабаби бу ерда қурқоқчилик ҳукм сурмоқда. Шу боис олисдаги қудуқлардан сув олиб келаётган аёлларни даввойи ҳайвонлардан эркаклар қўриқлаб боришга мажбур бўлишяпти.

«QALQON» ва «ЩИТ» журналларининг 4-сони нашрдан чиқди



Янгиликлар, хабарлар, воқеалар

ФИКР
АЛМАШДИЛАР

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармасида семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда бошқарма ҳамда Хоразм вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ раҳбарлари қатнашдилар.

Иштирокчилар дастлаб саф кўригини кўздан кечиришди. Сўнгра Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ музейини томоша қилишди. Шунингдек, янги қурилатган питомникни кўриб, хизмат хоналари, транспорт ва алоқа воситалари билан танишдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси ИИБ ППХ ЖТСББ бошлигининг ўринбосари, милиция подполковниги Р. Аширматов қатнашди.

Д. ХУДОЙШУКУРОВ.

ЮКСАК
БАҲОЛАНДИ

Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ йўл-патруль хизмати бўлинмаси шахсий таркибининг навбатдаги саф кўриги Давлат мадҳиясини куйлаш билан бошланди.

Мамлакатимизда ўтадиган Европа тикла-ниш ва тараққиёт банки анжумани қатнашчиларининг йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасида шахсий таркибининг касбий тайёргарлигини кўриқдан ўтказиш мақсадида ташкил этилган ушбу тадбирда Тошкент шаҳар ҳокими Р. Шоабдурахмонов, республика ИИБ ЙХХББ, шаҳар ИИББ ва ЙХХБ раҳбарлари иштирок этдилар.

Ўз мухбиримиз.

«ХОВОС ЮЛДУЗЛАРИ» ПЕШҚАДАМ

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Сирдарё вилояти кенгаши ташаббуси билан мактаб ўқувчилари ўртасида “Сиз қонунни биласизми?” мавзуида кўрик-танлов ўтказилди. Вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция полковниги Ю. Тошбоев тадбирни кириш сўзи билан очиб, унинг аҳамияти хусусида қисқача гапирди.

Гулистон шаҳар ҳокимлиги да туманлардаги мактаблар-биносидида ўтган финал босқич-нинг голиб ўқувчилари беллаш-

дилар. Иштирокчилар билим-лари вилоят ҳуқуқни муҳофа-за қилувчи идоралар вакилла-ридан иборат ҳайъат томони-дан баҳолаб борилди. Белла-шувда энг кўп балл тўплаган Хо-вос туманининг “Ховос юлдуз-лари” жамоаси голибликни қўлга киритиб, республика босқичига йўлланма олди.

Д. АҲМЕДОВ.

ЖИНОЯТ БУ – ИСНОД

Юнусобод пойтахтимизнинг энг йирик туманларидан биридир. Бу ерда 300 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Ходимларимиз фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш борасида бир қатор ишларни амалга оширмоқдалар. Мавжуд 50 та маҳалла ва аҳоли гавжум жойларда 126 нафар профилактика инспекторлари фаолият кўрсатишяпти.

Маҳалла посбонла-ри ва оқсоқоллари, педагог-тарбиячилар бизга яқиндан ёрдам беришяпти. Ана шу ишларнинг самараси ўлароқ натижаларимиз ёмон эмас. Ўтган йилнинг шу даврига қараганда жиноятлар сони 154 тага камайиб, уларнинг очили-ши 13,3 фоизга ошганини кузатиш мумкин. Туманимиз бўйича 300 киши амнистияга мувофиқ жазони ижро этиши муассасалари-дан озод этилди. Ҳозир бу фуқароларнинг барчаси ижтимоий муҳофазаланди ва ишга жойлаштирилди. Соғлиғини тиклаш лозим бўлганлари эса даволанмоқда. Бизнинг ишимизга нафақат маҳалла фаоллари, балки оддий фуқаро-лар ҳам ёрдамлашмоқда. Бунинг учун бошқармаимизда ишонч телефонлари фаолият кўрсатади.

Маълумки, 2000 йилда республика Вазирлар Маҳкамаси-нинг вояга етмаганлар ишлари комиссияла-ри фаолиятини тако-миллаштириш бораси-да Қарори қабул қилинган эди.

Келажагимиз эгала-ри бўлган ёшларни ҳар томонлама барка-мол қилиб тарбияла-шимиз лозим. Ҳукума-тимиз қарориди айнан шу мақсад кўзланган, десам хато қилмайман. Бугун туман аҳолиси-нинг 97361 нафари ёки 33,7 фоизи вояга етмаган ёшлардир. Шундан 123 нафари профилактик рўйхатда туради. Уларнинг 70 нафари халқ таълими тизимидаги ўқувчилар, 12 таси эса ўрта-махсус ўқув юртлари талабалари ҳисобла-нади. Қарор ижросини таъминлаш борасида бошқармаимиз туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари комиссияси билан ҳамкорлик қиляпти. Нотинч оила-лар фарзандлари, тарбияси оғир ёшлар, профилактик рўйхатда турувчилар, ўқув муассасаларидаги ўсмирлар ўртасида гиёҳвандлик, ичкилик-бозлик, жиноятчиликка қарши курашиш мақсадида “Гиёҳванд-лик”, “Жиноятнинг ҳуқуқий оқибатлари”, “Йўл ҳаракати қои-далари”, “Терроризм”,

“ОИТС ва наркомания”, “Ота-онам – бош, менга йўлдош” мавзу-ларида профилактик тадбирлар ўтказилди. Вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятлар-нинг аксариятини бекорчи, яъни ҳеч қаерда ўқимайдиган ёки ишламайдиганлар содир этишини яхши биламиз. Мана шулар-ни назарда тутган ҳолда уларни ишга жойлаштириш, касб-хунарга йўналтириш учун меҳнат ярмарка-лари ташкиллаштирил-моқда. Тарбиявий ишларни кучайтириш мақсадида эса “Турон”, “Фирдавсий”, “Минг ўрик”, “Хусниобод”, “Наврўз”, “Чоштепа”, “Бободехқон” маҳалла-ларида туман ҳокимли-ги бошчилигида, ИИБ шахсий таркиби ички имкониятларидан фойдаланилган ҳолда, спорт майдончалари қурилиб, фойдаланиш-га топширилди.

Бугунги кунда масъулияти энгил ишнинг ўзи йўқ. Бизнинг зиммамизда-ги асосий вазифа фуқаролар хавфсиз-лигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, жиноятчилик-ка қарши курашдан иборат. Мамлакати-мизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик ана шу саъй-ҳаракат-ларнинг меваси деб ўйлайман.

Эркин ҚАЮМОВ,
милиция полковниги.

ҲАФТАНИНГ
МУҲИМ САНАЛАРИ

24 АПРЕЛЬ

● Ўзбекистон Республикаси — Грузия, Украина, Озарбайжон, Молдова иттифоқи — ГУУАМга аъзо бўлди (1999)

● Халқаро ёшлар бирдамлиги куни (1957)

25 АПРЕЛЬ

● Ўзбекистон Республикаси “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати тузилган кун (2001)

● Тошкентда 25 апрелдан 26 апрелга ўтар кечаси кучли зилзила содир бўлди (1966)

26 АПРЕЛЬ

● “Амир Темур” ордени таъсис этилди (1996)

● Танзания Бирлашган Республикаси миллий байрами - Иттифоқ куни (1964)

● “Шанхай бешлиги” ташкил топди (1996)

27 АПРЕЛЬ

● Жанубий Африка Республикаси миллий байрами - Республика куни (1995)

● Сьерра — Леоне Республикаси миллий байрами — Мустақиллик куни (1961)

● Бутун дунё биродарлашган шаҳарлар куни (апрель ойининг сўнгги якшанбаси)

● Тоголез Республикаси (Того) миллий байрами - Мустақиллик куни (1960)

29 АПРЕЛЬ


● “Ўзбеккино” давлат ҳиссасдорлик компанияси тузилди (1996)

● Халқаро рақс куни (1982)

30 АПРЕЛЬ

● Швеция Қироллиги миллий байрами — Қирол туғилган кун (1946)

● Нидерландия Қироллиги миллий байрами



Чирчиқ шаҳар ИИБ профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти Фарҳод Алматов касбига меҳр қўйган посбонлардан биридир. У ўзига бириктирилган ҳудудда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун бор имкониятларни ишга солаяпти.

Суратда: милиция катта лейтенанти Ф. Алматов (ўртада) Чирчиқ шаҳар деҳқон бозоридида навбатдаги тадбирни режасалаштиряпти.

Қоратепа кўргони Ургут туманидаги серфайз гўшалардан бири. Бу ерда милиция майори Хайрулла Сайидмуродов бошчилигидаги кўргон милиция бўлими ходимлари аҳоли осойишталигини таъминлашяпти.

АҲОЛИ МАМНУН

Маҳалла оқсоқоллари ва посбонлари билан бамаслаҳат иш олиб борилаётгани туфайли ҳудудда жиноятлар камайди. Спиртли ичимлик ичиб, тўполон қилаётган, ишламай, бекор юрган жанжалкашларга барҳам берилди. Отабек Абдуллаев, Умиджон Турсунов, Шомирза Хуррамов каби фидойи ходимлардан бошқалар қатори А. Темур номли ширкат хўжалиги аҳолиси ҳам хурсанд. Чунки хўжаликдаги тинчлик-осойишталик улар хизматининг натижасидир.

Яқинда кўргонда бир воқеа юз берди. Масжиддан чойнак, пиёла, дастурхон каби буюмлар йўқола бошлади. Хизмат бурчини ўтаб юрган Ш. Хуррамов ва Ў. Шароповлар ярим тунда гилам кўтариб кетаётган фуқаро А. Қ. ни тўхтатишганда, масала ойдинлашди: у масжиднинг буюмини ўғрилаб кетаётган экан. Айбдор қонуний жазо олди.

Кўргон аҳолиси посбонларга миннатдорчилик билдиришди.

Бувсара ая ЎСАРОВА.

25 апрель – «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкил топган кун

КЕЛАЖАК ЁШЛАР ҚЎЛИДА



Жамиятимизнинг барча соҳаларида туб ўзгаришлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Жумладан, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатида кенг қўламдаги ислохотлар ўтказилаётганига икки йил бўлди. Шу қисқа вақт ичида белгиланган вазифалар мақсадга мувофиқ тарзда бажарилиб келинмоқда.

Хукуматимизнинг ижтимоий кўникма марказлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қарори талабларидан келиб чиқиб, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг барча вилоят, туман ва шаҳар бўлимларида тегишли дастурлар ишлаб чиқилди. Ҳозирда қатор вазирлик ва ташкилотлар билан ҳамжиҳатликда фаолият кўрсатиш йўлга қўйилган. Чунончи, ички ишлар идоралари билан ҳамкорликда қўшма қарорлар қабул қилинган. Айниқса, вояга етмаганлар билан ишлашга алоҳида эътибор

берилаяпти. Мисол учун, ҳаракатнинг Тахиятош шаҳар бўлими ва ИИБ ходимлари иштирокида 4-ўрта мактабда «Ёшлар ва қонун» мавзuida давра суҳбати ўтказилди. Тўртқўл тумани бўлими эса мавжуд 17 та милиция таянч пунктлари билан яқин алоқада фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йилнинг кузида тумандаги Ш.Рашидов, А.Дурдиев номли ва «Шўроҳон» ширкат ҳўжаликлари ҳудудида милиция ходимлари ёрдамида «Ўз уйингни ўзинг асра» тадбири бўйича махсус рейдлар уюштирилди. Бунинг натижасида 35 нафардан ортиқ паспорт тизими қоидаларини бузган шахслар, 2 та ўғрилик содир этган, 15 нафар мактабга борма йўрган болалар аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди. Бундай тадбирлар республика-мизнинг барча минтақаларида бўлиб ўтаётди.

– Оққўрғон тумани бўлими

томонидан вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга йўналтирилган семинар ташкил этилди, – дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши бўлим мудир Тўхтасин Арслонов. – Унга маҳалла фаоллари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларидан ташқари тарбияси оғир болалар ва уларнинг ота-оналари таклиф этилди. Шу каби тадбирлар Янгийўл, Чиноз, Бўка туманларида ҳам уюштирилди. Бўка туманидаги «Агро-сервис» коллежи, Ғазалкент шаҳридаги «Наврўз», «Истиқлол» маҳаллаларида «Ватанимга бордир менинг керагим», «Жиноятчи ўсмир ким?» мавзуларида амалий мулоқотлар ўтказилди. Ўрта-чирчиқ туманидаги Охунбобоев қишлоқ фуқаролар йиғинида норасмий диний оқим таъсирига тушиб қолганлар ва уларнинг

яқинлари билан суҳбатлашилди. Шуниси эътиборга лойиқки, «Камолот»чилар ташаббуси билан вояга етмаганлар спорт ўйинларига жалб этилган. Жумладан, Фарғона шаҳар Охунбобоев маҳалласида 17 нафар назоратдаги ёшлардан иборат футбол жамоаси ташкил этилиб, спорт кийимлари билан таъминланди. Норин тумани бўлими томонидан 7 та маҳаллада ўз ҳолига ташлаб қўйилган клуб, спорт майдонлари таъмирланиб, айни пайтда бу ерда 700 нафарга яқин, ўсмирлар қаратэ билан шуғулланишмоқда.

Булардан ташқари, ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этишга ҳам катта эътибор бериб келинаётди. Данғара туманида ўтказилган меҳнат ярмаркасида 17 нафар ёшлар доимий ишга жойлаштирилган бўлса, 40 нафари янги мутахассисликни ўрганишга юборилди. Ўтган давр мобайнида меҳнат биржалари орқали 14 мингдан зиёд ёшлар ҳаракат аралашуви билан доимий ва мавсумий ишга жойлаштирилди.

Ўтказилаётган тадбирларда ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар онгига миллий истиқлол ғояларини сингдириш каби вазифаларга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бу борада кўп босқичли «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақалари ўтказилиши фикримизга далил бўла олади. Ушбу мусобақаларда ўтган йили ғолибликни Нурота туманидаги 18-мактаб жамоаси кўлга киритди.

Жорий йилда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши Озарбайжон Республикаси Ёшлар, спорт ва туризм вазирлиги билан ҳамкорликда ёшлар ўртасида гиёҳвандлик, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш муаммоларига бағишланган семинар ўтказишни режалаштирган.

Қ.ШОКИРОВ.

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Наманган шаҳар «Маҳалла» жамғармаси ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда қатор ишларни амалга оширмоқда.

Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими, прокуратура ва ички ишлар бўлими билан ҳамкорликда тадбирлар ташкил этилаяпти. Маҳалла ва ўқув юрларида «Баркамол авлод орзуси» дастури бўйича учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилди. Ундан ўрин олган «Жиноят ва жазо», «Виждон эркинлиги тушунчаси», «Ўзбекистон Конституцияси – бахтимиз қомуси», «Илм олиш ҳуқуқи қафолатлари», «Бурчингизни биласизми?» каби мавзулар баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Мулоқотларда ҳуқуқбузарлик содир этган ўсмирлар ва уларнинг ота-оналари қатнашгани эса тадбирнинг жонли ўтишини таъминлади.

Маҳаллаларда спорт ишларини ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилаяпти. «Футболмиз келажаги» турнирини ўтказиш учун жамғарма томонидан 1 млн. сўм маблағ ажратилгани фикримиз далилидир.

Шунингдек, вояга етмаганларни ижтимоий ҳимоялаш ҳам диққат марказида. 17 нафар ногирон болаларга махсус аравачалар олиб берилди. Тадбиркорлар ва бошқа саховатли кишилар кўмагида эса 400 га яқин ўқувчиларга кийим-кечак, 10 млн. сўмлик дарсликлар бепул берилди.

Буларнинг барчаси ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг камайишига жиддий таъсир кўрсатаяпти.

А. МАДАТОВ.

Фидойиларимиз

ЭЛ ИШИГА БАХШИДА УМР

...Мухтор ака ишдан қайтаётди одатдагидек кўп қаватли уйлар орасидан ўтиб борарди. Очиқ майдончада «Волга» автомашинаси лойга ботиб қолган, ҳайдовчи дам-бадам унга газ берарди. Мухтор ака ёрдам бериш учун машинага яқинлашиб, эшикни очган эди, ҳайдовчи кабинадан отилиб чиқиб қоча бошлади. Бу ҳолатдан ҳайрон бўлган Мухтор ака унга етиб олиб сўради:

– Эс-хушинг жойида-ми? Сенга ёрдам берай десам, нега қочиб кетяпсан?

– Э ака, эгингиздаги милиция кийимини кўриб, ҳаяжонланиб кетдим, – деди ҳайдовчи.

Улар яна машина олдида келишди. Бироқ ҳайдовчи Мухтор акага ғалати қараш қилиб, пайт пойлаб росмана қоча бошлади. Бундан шубҳаланган Мухтор ака уни қувиб етиб, чалиб йиқитди. Сўнгра

қўлларини орқасига қайириб боғлаб, машинага ўтказди. Кейин машинани лойдан чиқариб, яқин ўртадаги ДАН масканига ҳайдаб борди.

Бу пайтда шаҳар бўйлаб «Волга» автомашинасининг эгаси пичоқлангани, машина эса олиб қочилгани ҳақида хабар тарқалганди. Мухтор ака олиб борган шахс айнан ўша талончи бўлиб чиқди.

Милиция подполковниги Мухтор ака Мирзаев кўрсатган жасорати учун Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти томонидан муносиб тақдирланди. Унинг ички ишлар идоралари, хусусан Тошкент шаҳар ИИББ ДАНБ (ҳозирги ЙХХБ) фаолиятида бундай воқеалар кўп марта учраган. Хар сафар ўзининг хушёрлиги ва бой тажрибаси боис қоидабузар ва жиноятчиларни усталик билан қўлга оларди.

– Бир гал ҳамкасбим Абдурашид Шодиев

билан ишдан қайтаётган эдик. Рация орқали «Москвич» автомашинаси олиб қочилгани ҳақида хабар берилди, – дея ҳикоя қилади М. Мирзаев. – Навбатдаги йўлчи оқ олдида худди олиб қочилганга ўхшаш машина биз билан ёнма-ён тўхтади. Машиналар юриши билан уни таъқиб қила бошладик. Буни сезган ҳайдовчи машина тезлигини оширди. Машина ортидан тушдик. Ҳайдовчи машинани дуч келган кўчага буриб, чалғитмоқчи бўлганди, йўл четидаги ариққа тушиб, тўхтаб қолди. Ундан уч йигит тушиб қоча бошлади. Мен улар ортидан югурдим, ниҳоят бирига етиб олиб, чалиб ағдардим. Қўлларини ортига қайириб боғламоқчи бўлгандим, шериги ёрдамга етиб келди. Йигит яқинлашганда икки қўлим банд бўлгани учун каллам билан юзига зарба

бердим. У юзтубан йиқилди. Бу пайтда ҳамкасбим етиб келди. Машина ўғриларини ушлаб ички ишлар идорасига олиб бордик. Уларнинг яна бир шериги ўша куни қўлга тушди.

Мухтор аканинг ҳаёти ёшлар учун ибрат мактабидир, кўп йиллик иш фаолияти давомида устозлардан ўрганди, биланларини шогирдларига ўргатди. Пойтахтимизда ном қозонган йўл ҳаракати хавфсизлиги фидойиси Содиқ ака Қосимовнинг тарбиясини олди. Транспорт воситалари ҳаракатини тартибга солиш қоидаларини кунт билан ўрганди. Кейинчалик билимини ошириш мақсадида Россиядаги милиция мактабларининг бирида таҳсил олиб қайтди. Унга олий маълумотли мутахассис сифатида бўлинмалардан бирини бошқариш вазифаси топширилди. Устози истеъфодаги милиция



подполковниги Мадмин ака Жўрабековдан раҳбарлик сирларини ўрганди.

Мухтор аканинг кўп йиллик тажрибасидан баҳраманд бўлганлар айни пайтда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг турли тизимларида ишламоқдалар. Милиция полковниклари Ф. Болтабоев, С. Азаматов, милиция майори Т. Раҳимжонов, милиция капитани З. Хўжаев ва бошқалар уни устоз дея ҳурматлашади.

Мухтор ака Мирзаев айни кунларда Ўзбекистон Республикаси ИИБ ички ишлар идоралари тарихи ва

жанговар шон-шухрати музейининг бошлиғидир. Ушбу масканни янги экспонатлар билан бойитиш учун изланиб, бор имкониятларни ишга солаяпти. Шу кунларда милиция подполковниги М. Мирзаев юбилей ёшини нишонламоқда. У рафиқаси Шоиста опа билан беш нафар фарзандни, тарбиялаб вояга етказди. Улар ўғил-қизлар, келин-куёвлар ва неваралар ардоғида шукроналар айтиб, қўша қаришяпти.

С.ШАМСИДИНОВ.

Суратда: милиция подполковниги Мухтор ака Мирзаев рафиқаси Шоиста опа ва неваралари билан.

Хизматларда



ЧАЙИР ЙИГИТЛАР

Самарқанд шаҳрида тинчлик ва осоишталикни таъминлашга патруль-пост хизмати ходимлари ҳам муносиб ҳисса қўшиб келишяпти. Уларни ҳеч муболагасиз туну кун постда, дейиш мумкин.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоят ИИБ ППХ бўлинмаси шахсий таркиби 50 дан зиёд жиноятларни иссиқ изидан очди. Улар орасида босқинчилик, талончилик каби жиноятнинг оғир турлари ҳам бор. Соҳа вакиллари фош этган ўғирликлар сони 30 тага яқинлашиб қолди.

Ҳамма нарса ҳам омадга боғлиқ бўлавермайди. Юқоридаги рақамлар замирида авваламбор бўлинма ходимларининг меҳнати, заҳмати, касб маҳорати, жисмоний чиниққанлиги ётибди.

— Бўлинма шахсий таркиби самарали фаолият кўрсатиши

учун барча шароитлар яратилган, — дейди жамоа сардори, милиция подполковниги Баҳодир Баҳромов. — Замонавий техника хизматимизда. Автомобиллар замон талабларига жавоб берадиган алоқа воситалари билан жиҳозланган. Бундан ташқари, хизмат итларидан ҳам фойдаланамиз. Ўз кинологимиз бор. Йигитларимизнинг ҳаммаси бакувват, чайир. Аксарияти спортчилар.

2001 йили Самарқанд шаҳрида жиноий гуруҳ пайдо бўлиб, кетма-кет 8 та босқинчилик содир этилди. Ҳаммамиз оёққа турдик. Ходимларимиздан, милиция кичик лейтенан-

ти Иsobек Мамасолиевнинг тезкорлиги, топқирлиги ва мардлиги туфайли гуруҳнинг ҳамма аъзолари қўлга олинди. Иsobек жиноятчиларни зарарсизлантиришда кўрсатган хизмати учун “Жасорат” медали билан тақдирланди.

Жамоамизда шижоату маҳоратда эркаклардан қолишмай-диган аёллар ҳам хизмат қилишади. Милиция сержанти Эльвира Арутюнова ана шундайлардан бири. У вилоятимизда энг уста мерганлардан. Эльвира ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ўртасида ўтказилаётган спорт мусобақаларида ҳаммаша совринли ўринларни эгаллаб келади.

Милиция майори Файзиддин Баҳриев, милиция капитани Ҳикматулло Жумаев кабилар ҳам ўз хизмат вазифаларига ўта масъулият билан ёндашадилар. Ходимларимизнинг кўпчилигини 30 ёшгача бўлган чиниққан йигитлар ташкил этади. Яқинда қўл жанги бўйича вилоят чемпионатида улар ғолибликни қўлга киритишди.

Шу йил бошида республика ИИБ раҳбарияти бизга икки тадан “Нексия”, “УАЗ” ва битта “Дамас” машиналари ажратди. Бу тезкорлигимиз, хизматимиз самарасини янада оширди. Бўлинмамиз ходимлари вилоятда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, касб маҳоратларини ошириш борасида бундан буён ҳам тинмай изланаверадилар.

Дилбар САЛОҲИДИНОВА.

Суратда: республика ИИБ томонидан ажратилган “Нексия” машиналари.

Туманимизда шундай профилактика инспекторлари хизмат қилишадики, уларни бошқа ҳудудга ўтказмоқчи бўлсангиз, маҳалла оқсоқоли фаоллар “бермаймиз” деб туриб олишади. Жорий йилнинг 1-чораги давомида профилактика инспекторлари ёрдамида 12 та жиноят фош этилиб, қидирувдаги 2 нафар жиноятчи ушланди. Шу-

русумли милтиқни ҳеч қандай ҳужжатсиз сақлаётгани учун маъмурий жазога тортилди.

Ҳеч кимга сир эмас, баъзи шахслар ўз уйлари пул ишлаш мақсадида исловатхоналарга айлантириб олмоқдалар. Яқинда Ҳамза кўчасида яшовчи О. Мариянинг ана шундай қилмиши фош этилди. У ўз уйини 1000 сўм эвазига мижозларига ижарага бериб турган.

“Шоликор” маҳалласи профилактика инспектори, мили-

ШУНДАЙ ХОДИМЛАРИМИЗ БОР

нингдек, ўқотар қуролларни сақлаш қоидаси бузилган 14 та ҳолат аниқланди. Маълумки, ҳудудимиз чегарага туташ. Қўшни давлатлардан ноқонуний йўллар билан сифатсиз маҳсулотларнинг республикамизга олиб келиниши тақиқланган бўлишига қарамай амалдаги тартиб-қоидаларни бузаётганлар учраб турибди. Яқинда ана шундай ҳолатларнинг 10 таси фош этилди.

Профилактика катта инспектори, милиция майори Жамол Файзиев анча йиллардан бери Бахт шаҳридаги “Тинчлик” маҳалласи милиция таянч пунктида хизмат қилиб келмоқда. Ўз ҳудудида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида фаоллар билан ҳамкорлик қилаётгани туфайли Ш. Шавкатнинг ноҳуя қадам босганидан хабар топди. Тез орада Шавкат 1,32 г героин билан қўлга олинди.

Шу ҳудудда яшовчи Т. А. ҳам гиёҳвандликка ружу қўйгани маълум бўлди. Унинг уйи тинтув қилинганда 4,19 гиёҳвандлик моддаси олинди. Навоий кўчасида яшовчи Б. Р. бир дона “ТОЗ”

ция лейтенанти Рустам Турсунбоев ёш бўлишига қарамай, маҳалла аҳлининг ҳурматини қозонган. Қозғистон Республикаси чегарадош бу ҳудудда 43 та дам олиш маскани бор. 27 нафар шахс профилактик ҳисобда туради.

Рустам шу маҳаллада истиқомат қилувчи Н. Л.нинг уйдан 16 калибри “ТОЗ” русумли 2 та милтиқ топди. Ҳозирда Н. Л. бирон-бир ҳужжатсиз қуролни қандай ва қаердан олганлиги аниқланмоқда.

Сирдарё шаҳридаги С. Раҳимов маҳалласи профилактика инспектори, милиция капитани Элмурод Қўшмуродов ҳақида маҳалла оқсоқоли Тўлқин Самандаров фахр билан: “Ҳар бир хайрли ишга Элмурод бош қўшади, билмаганимизни бир-биримиздан сўраймиз. Идорасининг эшиги доимо очик. Бамаслаҳат иш қилишга ўрганганмиз,” — дейди.

Бундай мақтовга сазовор ходимларимиз борлигидан биз ҳам фахрланамиз. Жиноятнинг тез очи-лиши, ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда уларнинг хизмати бекиёс.

А. МАМБЕТОВ,
милиция майори.
Сирдарё тумани.

ФАЛОКАТ ЕТАКЛАБ, ҲАЛОКАТ БОШЛАМАНГ...

— “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуннинг ҳаётга татбиқ этилганига уч йилдан ошди. Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши ҳаётини зарурат эди, — дейди суҳбатдошим Бухоро вилояти ИИБ ЙҲХ бошқармаси бошлиғи, милиция майори Раҳматулло Камолов.

— **Раҳматулло Жалолович, Қонун билан мустаҳкамланган, ҳимояланган йўл ҳаракати хавфсизлиги ижтимоий ҳаётимизда катта воқеа бўлди. Табиийки шу туфайли соҳада қатор ўзгаришлар, ислохотлар даври бошланди ва тизимнинг ваколатлари аниқ, ҳуқуқий меъёрга кирди. Шундай эмасми?**

— Қабул қилинган Қонунда: “Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида юзага келувчи муносабатларни тартибга солади ҳамда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкини муҳофаза этишни таъминлашга, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя этишга қаратилган” деб алоҳида таъкидланади. Эътироф этганингиздек, мустақиллигимиз боис тизимда туб ўзгаришлар ҳар томонлама янгиланишлар даври бошланди, хизмат доирамиз кенгайди, масъулият ошди. Узоққа бормайлик, яқин кунларгача кўплар ҳаракат хавфсизлиги ойлиқларини вақтинчалик тадбир, расмий-ятчилик деб биларди. ЙҲХ

ходимларининг ҳақли талабларини ҳаммаша ҳам тўғри англамасдилар. Бугун айтиш мумкинки, ҳаракат хавфсизлигига нисбатан ижтимоий фикр тубдан ўзгара-рапти.

— **Ҳар бир фуқаро йўл ҳаракати, хавфсизлик каби тушунчаларни ўз фаолиятидан айри кўрмаслиги, уларга нисбатан енгил-елпи муносабатда бўлмаслиги керак. Афсуски, бизда ҳали бу борада жиддий муаммолар борга ўхшайди...**

— Бу ҳақда ҳар қанча гапирсак ҳам оз. Каттами-кичими — кўпчилик машина бошқаришни хоҳлайди. Аммо у барча ҳавас қилгудек даражада осон юравермайди. Йўл ҳодисалари: турли фалокатлар, хатолар, қоидабузарликлар маънавияти қашшоқ — зўрига ёки зарига ишонган ношукрларнинг айби билан юз бераётган фожиалар... булар бари ўрганса, таҳлил қилса, ёзса арзигулик мавзулар. Оддийгина айтганда, эрталаб уйдан яхши ниятда машина миниб чиққан ҳар бир ҳайдовчи, аввало, барчани ўзига тенг билиб, йўлда,

ҳаракатланишда, ёқилги қуйиш шохобчаларида ўзгаларни ранжитмаслиги лозим. Баъзан шундай ҳолга дуч келасан. Айтайлик, эскироқ бир “Мерседес” машинасини миниб бораётган биродаримиз истаганча йўл ҳаракати қоидасини бузиб, атрофидаги “майда-чуйда аравалар”га йўл бермай ёки оғохлантирувчи қизил чирокқа парво қилмай, ўзининг кимлигини кўрсатади... Шундай пайтда табиийки, бошқа ҳайдовчилар қонун фақат менга тегишлими, деб ўйлашади. Бундайлар вақт-соати етгунча қонунга чап беришлари мумкин. Лекин ишонаманки, фақат фалокат етаклаб, ҳалокат бошловчиларни, албатта, йўл адолатли жазолайди, улар қилмишларига пушаймон бўладилар.

— **Яқинда журналлардан бирида аянчли хабарга кўзим тушди: “Ҳар йили ер юзида йўл ҳаракати ҳодисалари оқибатида 500 минг киши ҳалок бўлади. Бу рақам ер қурасида давом этаётган барча жангу жадалларда, табиий офатлар натижа-сида бошқа ҳодисалар ту-**

файли оламдан кўз юмаётганлар сонидан анча кўпдир...”

— Тўғри илғабсиз, баъзан ўйлаб қоламан (айниқса, ўлим юз берганда): нега йўл ҳаракати қоидалари кетма-кет бузилаверади? Ҳар бир йўл-транспорт ҳодисаси тан жароҳати, ўлим ёки иқтисодий зарарга бориб тақалади. Бирор оила бошлиғи ёки аъзосининг автоҳалокатга учраганда етказила-диган маънавий зарарни ҳисоблашга тил ожизлик қилади... Шу боис ҳам йўл-транспорт ҳодисалари олдини олиш инсониятнинг энг долзарб вазифаларидан бирига айланди. Ана шуларни ҳисобга олиб, 2001 йил 1 мартдан мамлакатимизда янги “Йўл ҳаракати қоидалари” қўллана бошланди. Бу борада вилоятимизда кенг қўламда тарғибот ишлари йўлга қўйилган. Бундай ҳуқуқий ҳужжатнинг моҳия-ти ҳаммани қизиқтиради.



— **Энди бевосита вилоят ИИБ ЙҲХ бошқармаси ходимлари томонидан йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, жиноятчиликка қарши кураш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида тўхталсангиз.**

— Маълумки, Бухоро мустақиллик йилларида халқаро сайёҳлик марказларидан бирига айланди. Шунингдек, шахримизга олий даражадаги меҳмонларнинг ташифи давомида уларга намунали кузатувларнинг ташкил этил-ганлиги, талаба ёшларнинг

“Универсиада – 2002” спорт мусобақалари муваффақият-ли яқунлангани Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда вилоят ҳокимлиги томонидан муно-сиб баҳоланди. Айтишга, ўтган йилнинг декабрь ойида вилоят ИИБ ЙҲХ бошқармасида вилоятлараро семинар-кен-гашнинг ўтказилиши бу бора-даги ишларимизнинг ижобий самараси десак арзийди.

Агар рақамларга мурожа-ат этадиган бўлсак, жорий йилнинг 1-чораги давомида жиноят-қидирув йўналиши бўйича 55 та ҳолат ИИБ ЙҲХ бошқармаси ходимлари иштирокида аниқланди. Ўтган давр мобайнида хо-димларимиз вилоят ҳудуди-да моддий-товар бойлиқла-рининг ноқонуний йўллар билан олиб чиқиш кетилиши ва олиб кирилиши билан боғлиқ 223 та ҳолатни аниқлашди. Жумладан, 8.874.000 сўмлик хўжалик моллари, 5606 кг рангли металл, 1233 л спирт жами 45.951.350 сўмлик маҳсу-лотлар ушлаб қолинди.

Вилоятимиз ҳудудида содир этилган транспорт воситалари билан боғлиқ 10 та жиноятнинг барчаси: транспорт воситаларини ўғирлаш, йўл-транспорт ҳодисаси содир этиб, воқеа жойидан яшириниш ҳолат-ларининг аксарияти ўз вақ-тида фош этилди.

**Суҳбатдош
Ражаббой РАҲПОВ.**

UCHINCHI

«Поемга»
gazetasining ilovasi

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,
HAYRATOMUZ VOQEALAR,
SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

TV OLAM


Питонларни овлаш – осон иш эмас. Бунинг устига жуда хавфли. Тасаввур қилиб кўринг, урғочи илон тез кунда илончалар ёриб чиқади-ган тухумларини босиб ётибди. Яна қаерда денг – тор ғор тубида. Унинг думидан тортиб, олиб чиқишга юрагингиз бетлайдими? Бошқаларнинг кўмагига умид қилмай қўя қолинг.

Нега дейсизми? Чунки ғор шунчалик торки, унга зўрға бир киши сиғади. Бунинг устига дим, қоронғи. Тўғри, қўлингизда ёкса йўлингизни ёритадиган чўп, сомон бор. Аммо тўрт метрли ғор охирида сизни узунлиги нақ етти метр (!) келади-ган илон кутиб ётибди. Кўрқинчи-а?

Хозир Камерундаги етти аждоди илон овловчи бўлган манамен деган уста овчилар ҳам ота-боболари касбининг хавфлилигини тан олишади, ҳадеганда ғорга кираверишмайди. Масалан, қора танли, 40 ёшли Самбо ўғлининг ота касбини давом эттиришдан бош тортаётганига хафа бўлмаяпти. Чунки 15 ёшида бошидан ўтказган дахшатли воқеалар худди кечагидек эсида. Ушанда отаси уни то “илонни тутдим!” деб қичқирмагунча ғордан чиқармаганди. Энди ўгли бундай ҳолатни бошидан кечиришини хохламайди.

ЗАҲАРЛИ ЭМАС, АММО...

Африкадаги тоғ питонлари заҳарли эмас, ... аммо уларнинг икки қатор, орқага қайрилган ўткир тишлари бор. Улар домига тушган ўлжанинг кутулиши амримахол. Шунинг



ИЛОН ОВЛОВЧИЛАР

учун ҳам узунлиги 7 метр, вазни 70 кило келадиган, бунинг устига тухумларини қўриқлаётган урғочи питон хавфли рақибдир.


Тоғ питонлари Сахрои Кабир ва Марказий Осиё жануби ўртасидаги саванналарда яшашиди. Улар сичқонлар,

зиялик қариндошлари сингари баҳайбат ва ваҳший эмас. Айтишларича, Индонезия питонлари одамларни ҳам ютиб юбориши мумкин экан. Аммо тоғ питонларини кўрқитсангизгина хавфли махлуққа айланади. Улар айниқса тери ташлаган палласи жуда “асабий” бўлишади. Бундай кезлари илонлар ҳар қандай душманига ташла-ниши мумкин.

ОВ УСУЛИ

Ноябрь ва март ойлари ўрталаридаги қурғоқчилик мавсумида питонлар инларига бекиниб олишади. Улар тухум босиб, шу тариқа кишни қисқартиришади. Айнан шу қулай пайдан фойдаланиб Самбо оғайниси 45 ёшли Адамо ва ўгли Абоу билан илон овига чиқишади.

Қалин бутазорлар орасидан ўтиш қийин, Шунинг учун овчилар дастлаб ўт-ўланларга ўт қўйиб, йўлларини тозалашади. Ёнғиндан кейин бир неча



маймунлар, итлар, ҳатто ёш оху (антилопа)лар билан озикланадилар. Тоғ питони тунда овга чиқади. У ўз ўлжасини бакуват тишлари билан тишлаб, сўнг чирмашиб бўғади. Кундуз кунлари кавакларда ёки инда ётишни маъқул кўради.

Африка питонлари индонезия



кун ўтгач тоғ питонини кул устида қолдирган изига қараб топиш мумкин бўлади. Энди кимдир илоннинг инига бош суққишига тўғри келади...

Бунинг учун қанчалик ирода кучи керак. Одатда питон ини жуда тор бўлади. Овчи-

лар ҳар дақиқада олға ҳаракат қилишлари керакми ёки орқага эмаклаш фурсати етдими – ҳал қилишларига тўғри келади. Чунки вақтида вазиятни баҳолай олмасалар, бир умр торгина ғорда қолиб кетишлари мумкин.

Адамо бир тутам сомони ёққанича олға интилади. У ҳамла қилган илондан олов тўсиб қолишдан умидвор. Чап кўлига эса питонни чалғитиш учун оху териси ўралган. У илон чалғиганидан фойдаланиб бўйнидан ушлаши керак. Шундай қилинса, махлуқ негадир ювош тортади.

Олишув овчининг ғалабаси билан тугаса, илонни терисига зиён етказмасдан сўйишади. Сўнг терисини эҳтиёткорлик билан шилиб, чўзиб офтобда қуритишади. У қимматли матох ҳисобланади. Гўштини эса қайнатиб, сўнг дудлашади. Дудланган илон гўшти тансиқ таом саналади.

КЕЛАЖАКДА НИМА БЎЛАДИ?

Илон савдоси билан шуғулланадиган тижоратчи овчилар тобора кўпаймоқда. Натижада ноёб судралиб юрувчилар сони кундан-кунга камайиб борапти. Тери (чарм)дан қилинган буюмларнинг пишиқ, чидамлилиги, бунинг устига бежирим, чиройлилиги ҳаммага маълум. Шунинг учун уларнинг бозори чаққон. Питонларнинг териси ҳам ўз бошларига бало бўляпти.

Самбо ва Адамоларнинг илон овлаб тирикчилик ўтказишлари қийин бўлиб қолди. Улар шунинг учун ҳам фарзандлари аждодлар анъанасини давом эттиришни ис-тамаётганидан унча хафа бўлишмаяпти...

КЛИНИК ЎЛИМ:

ҒАРОЙИБ КУЗАТИШЛАР

Клиник ўлимни бошидан ўтказган одамларнинг гувоҳликлари бир-биридан қизик. Уларнинг аксарияти жисмларни бир вақтнинг ўзида ҳар томондан кўришар экан.

Тунда беҳуш ҳолда касалхонага келтирилган гувоҳнинг сўзларига диққат қилинг: “Мен танамнинг барча тўқималарини кўриб турардим. Бу ҳам етмагандек ўзим операция хонасида бўлишимга қарамай бошқа беморлар ётган умумий зал ҳам менга кўриниб турарди. Ҳатто жўмрак қайси хонанинг бурчагида экани ёдимда қолди. Операция тугагач қаттиқ чанқадим. Аммо сув ичишим та-

қиқланган эди. Шунда аста туриб жўмрак жойлашган хонани беҳато топиб бордим”.

Кўплаб гувоҳлар клиник ўлим пайти ҳаётларидаги энг муҳим воқеаларни қайта эслашди. Баъзан санокли лаҳзалар ичида бутун умрлари кўз олдиларидан ўтган. Бу вақт тушунчаси ўз аҳамиятини йўқотишини кўрсатади.

Улар кўз олдиларидаги сахнани бир вақтнинг ўзи-

да кўплаб нуқталардан кузатишган. Масалан, бемор каравот устидаги ўз танасини, каравот остини, умуман бутун хонани бир вақтнинг ўзида кўриб турган. Бунинг одатдаги сезгиларимиз билан изоҳлаб бўлмайди.

Аммо бу сирли ҳодисани беш ўлчамли олам тушунчаси ёрдамида тушунтириш мумкин. Учта ўлчамни ҳаммамиз яхши биламиз. Булар: узунлик, эн ва баландлик. Тўртинчи ўлчамни эса ҳис қиламиз. Бу – вақтдир.

Энди бешинчи ўлчам устида тўхталсак. Клиник ўлим чоғида онг муайян маънода эркинликка чиқади.

У теварак-атрофимиздаги барча нарсаларни глобал кўриш имконига эга бўлади. Клиник ўлимни бошидан кечирган киши жисмини бир вақтнинг ўзида уч томондан кўради. У гўё бир лаҳзада кенгликнинг ҳамма нуқтасида ҳозир бўла олади.

Назарияга янаям чуқурроқ берилсак, яқна онг универсал, глобал онга қўшилишини ҳам айтишимиз керак. Бир гувоҳ ибтидоий ғорларга саёҳат қилгани, уларнинг деворларидаги суратларни кўрганини ҳикоя қилади. Ҳатто суратлар муаллифлари билан суҳбатлашган экан. Ҳақиқатан мутахассислар бу гувоҳ билан



гаплашиб, унинг ибтидоий давр рассомчилигига доир билимлари чуқур ва кенглигига қўйил қолишган.

Клиник ўлим ҳолатига тушганларнинг баъзилари келажакни кўришга ҳам муваффақ бўлишган. Энг муҳими, уларнинг аксария-

ти шундан кейин ҳаётга қарашини ўзгартиришган. Оламни, ҳаётни глобал тарзда кўришга муваффақ бўлганлар илгари ўзларига хос бўлган худбинликдан воз кечишган, руҳан бойишган, майда-чуйдалардан қўл силташган. Улар балки бир ўлиб ҳаётнинг қадрига етишгандир... Ким билсин дейсиз.

Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.

ОЛТОЙЛИК СЕХРГАРЛАР

Бундан икки йил бурун собиқ кўрсдошим Николайни учратиб қолдим. У билан ўн йилча кўришмаган эдик. Ўтган давр ичида ўртоғимнинг феъл-атвори бутунлай ўзгарганини кўриб ҳайрон қолдим. Илгари шўх-қувноқ бўлган йигит камгап, ичимдагини топ тоифасидаги одамга айланганди. Гап орасида яқинда Олтойга кетишини айтди.

Хайрлашиш учун олдимга келганида бошидан ўтганларни айтиб берди.

– Бу воқеага ўн йилча бўлиб қолди, – дея у ҳикоясини бошлади. – Ўшанда поездда хизмат сафаридан қайтаётгандим. Купедаги ҳамроҳим олтойлик экан. Бу аёл қишлоқлари яқинидаги тоғда сибирлик эвер қабиласи яшашини айтиб қолди. Улар ул-бул харид қилгани қишлоқ дўконига кириб туришар экан. Аммо маконларига ҳеч кимни яқин йўлатишмаскан. Қишлоқ аҳли бу сирли қабилкаерда яшашини аниқ билмас экан.

Аммо уларнинг ноёб сеҳргарлик қобилиятлари ҳақида гап-сўзлар теварак-атрофга тарқалган. Эвер қабиласи сеҳргарлари ҳатто бедаво дардларни ҳам даволай олишарди.

Сўнгги ўн йил давомида мен ўша қабилка орасида яшадим. Қандай қилиб бунга эришганим сир. Сеҳргар Саолга шогирд тушдим. Унинг таълимотига кўра, инсонда икки хил онг бўлар экан. Биринчиси, кундалик ҳаётда керак бўладигани. Иккинчи тоифа эса сирли олам. Уни эгаллаган киши сеҳргар бўла олади. Саолнинг айтишича, сеҳргарлар кишини худди қувват майдонини кўргандек кўришар экан.

Устоз таълимотини эгаллашим учун юксак онг босқичига кўтарилишим керак эди. Ўтган йиллар мобайнида Саол ҳассаси билан орқамга ура-ура мени ўша даражага етказди.

Ҳар бир юрпёт (эверчасига “йўлбошчи”, “дохий” дегани) ўз билим ва тажрибасини бўлажак меросхўрига ўргатиши керак экан.

одамлар турганини кўрдим. Саол уларни параллел (ёндоз) оламларнинг вакиллари деб тушунтирди.

Аста-секин қадимий, мураккаб маросимларни ўрганиб бордим. Бунда турли ҳаракатлар, дуолар, малҳамлар, заҳарларнинг

бўлдим. У аъзои баданимга махсус малҳам суртди. Сўнг мен кури-тил-

роли катта эди. Мен одатдагича ҳаёт кечирадиган кишилар кўра олмай-диган мавжудотларни кўриш санъатини ҳам эгалладим.

Яна олов инсонни бошқа кенгликка, маконга кўчира билишини кашф этдим. Бир куни Саол пишқириб оқайтган дарё бўйида улкан гулхан ёқди. Мен қип-яланғоч

ган рин деган ўт солинган муштук (трубка) чекиб, олов ичига кирдим. Аммо ҳеч ҳам иссиқни ҳис этмадим. Кейинги лаҳзада ўзимни нариги қирғоқда кўрдим. Қарасам, Саол ҳамон гуркираб ёнаётган гулхан ёнида турарди.

Саолнинг раҳбарлиги остида ўзга дунёларга саёҳат қилдим. Ҳар гал белимга махсус тўқилган арқонни боғлаб олардим.



Саолга бундан 20 йил аввал

оламдан ўтган сеҳргар Барт устозлик қилган. Ўз навбатида у ўзига шогирд излаб юрганида мен дуч келиб қолганман.

Шогирдлик давримда нафсимни жиловлash ва қатъий интизомга риоя этишга ўрганиб қолдим. Махсус ўтдан тайёрланган таом истеъмом қилиш ҳам маросимнинг таркибий қисми ҳисобланарди. Йилма-йил Саол раҳбарлигида ҳамма тайёргарлик босқичларидан ўтдим.

Устозим ва унинг икки шогирди билан тез-тез муз босган чўққиларга кўтарилиб турардик. Бир куни машқ қилаётган пайтимиз теварак-атроф ёришиб кетгандек туюлди. Орқамга ўгирилиб, бир тўда бегона



Оила янгиликлари

АЖРАШИШ-АЖРАШИШ...

2008 йилги Олимпиада Хитойда ўтказилиши кўпчиликка маълум. Бу катта спорт байрамига тайёргарлик кўриш мақсадида Пекиндаги эски беш қаватли уйлар бузиладиган бўлди. Уларда истиқомат қилувчиларга янги уй-жой берилди. Мабодо бундайлар орасида бева аёллар бўлса, уларга алоҳида уй-жойдан ташқари янги жойга ўрнашиб олишлари учун 8000 АҚШ доллари миқдорида субсидия ҳам берилди.

Кўплаб оилалар бундай имкониятдан фойдаланиб қолишга қарор қилишди. Мазкур туманларда ҳозир ажрашишлар авж олган. Маҳаллий фуқаролик ҳолатини қайд этиш идораларига ҳар куни юзлаб аёллар келиб, эри билан ажрашиши ҳақида ариза беришарди. Асосий сабаб – “ўзаро феъл-атворлари тўғри келмай қолганлиги”. Ажрашишни истовчилар орасида аллақачон олтмишни уриб қўйган, умрининг ярмидан ортигини эри билан яшаган кампиршолар ҳам бор.

Арқоннинг бир учи устозим ёки унинг шогирдлари кўлида қоларди...

Хуллас, ўн йиллик таҳсилдан сўнг йўлбошчим ҳал қилувчи синовга тайёргарлигимни айтди. Шундан кейин икки кун оч қолиб,

фақат махсус ўтлардан тайёрланган ёгулик билан озиқландим. Ниҳоят мен, шерикларим Эдерис, Тэшекюр, устозим



Саол ва унинг икки ёрдамчиси тоғ бағрига йўл олди.

Бир ҳафта йўл босиб юз метр баландликдан отилиб тушаётган, эни ўн метрдан ошадиган шаршара ёнига етиб келдик. Сув зарралари қуёш нурида камалакнинг етти рангида товланиб кишини ўзига мафтун қиларди. Шовуллаш шунчалик баланд эдики, овозимиз эшитилмасди. Атрофимиздаги ёввойи гўзаллик мени мафтун қилди. Мен, Тэшекюр ва Эдерис маросим рақсини ижро этдик.

Шаршара тепасида баланд қоя қўққайиб турарди. Биз унинг устига чикдик. Шерикларим икки ёнимда туришарди. Саол орқа томондан келиб бошимга урди. Биз кетма-кет пастга – шаршара қаърига сакрадик. Аммо пастдаги ҳарсангларга урилиб чил-парчин бўлмадик. Чунки шу асно ўзга оламларга ўтган эдик.

Шундан сўнг мен юрпёт бўлдим – эверларнинг қадимий сеҳргарлик илмини эгалладим. Энди оддий одамлар тўқнаш келиб турган турмуш ташвишларидан озодман. Ўлим ҳам менга писанд эмас. Зеро, руҳим ўлмас, мангудир...

Николай ҳикоясини шу ерда тугатиб, мен билан хайрлашиб кетди. Мана, орадан икки йил ўтди ҳамки, ундан дарак йўқ. Балки ўзи ҳикояси охирида айтганидек, қайтиб бошқа ҳеч ҳам кўришмасмиз...

Иван РИБАКОВ.

ФАРОЙИБ ТҲЙ

Эквадорда шундай тўй бўлиб ўтдики, у ҳақда сериал суратга олса арзийди. Мўъжазгина Баба қишлоғилик тўрт оғайни кўшни қишлоқда яшовчи тўрт опа-сингилга уйланишди. Иккала оила бошлиқлари болаликдан дўст

эдилар. Аммо воқеа бунчалик тус олишини кутишмаганди.

Аввал Уильям билан Кити севишиб қолишди. Кейин қолган оға-инилар ва опа-сингиллар улардан ўрناق олишди.

Бундан хабар топ-

ган сергак журналистлар ёш келин-куёвларни бутун мамлакатга машҳур қилиб юборишди.



Суратда: уч ёш келин-куёв

ШУНАҚАСИ

ҲАМ БЎЛАРКАН

Кемерово вилоятилик аёл маҳаллий туғруқхонани судга берди. Сабаби, бундан уч йил аввал бу ерда яшовчи ходималари аёлга ўзиники ўрнига бегона болани бериб юборишган экан.

Гап шундаки, оилавий жанжал туфайли эр аёл билан ажрашадиган бўлди. Алимент тўлашдан бош тортиб, аввал қизча менинг фарзандим эканлигини исботла, деди. ДНК бўйича ўтказилган таҳлиллар қизалоқ нафақат “отаси”, ҳатто “онасига” ҳам қондош эмаслигини кўрсатди. Тутакиб кетган аёл туғруқхонани судга берди. Аммо суддагилар жиноят иши



қўзғатишмади, тиббий ходимларнинг хатти-ҳаракатини бор-йўғи атайлаб қилинмаган, оддий совуққонлик деб баҳолашди, холос. Энди аёл ўз боласини излапти. Лекин қизалоқни ҳам ҳеч кимга бермоқчи эмас.

28

9.30 Экстремальный спорт.
 10.30 Олимпийские игры.
 ОЛИМПИЙСКИЙ ЖУРНАЛ.
 11.00 Фигурное катание. Чемпионат мира по синхронному катанию в Канаде.
 13.30 Футбол. Евроголы.
 14.30 Футбол. Кубок Либертадорес.
 15.00 Мультиспорт. ВСЯКАЯ ВСЯЧИНА.
 15.30 Футбол. Легенды чемпионов Европы.
 17.30 Футбол. Евроголы.
 19.00 Новости Евроспорта.
 19.15 Велогонки. Тур в Швейцарии.
 20.15 Мотогонки. Гонки на выносливость.
 20.45 Триал. Чемпионат мира в Ирландии.
 21.15 Бокс. Международные соревнования.
 0.00 Новости Евроспорта.
 0.15 Бокс. Международные соревнования.
 1.15 Мотогонки. Гонки на выносливость.
 1.45 Триал. Чемпионат мира в Ирландии.
 2.15 Новости Евроспорта.

ЧОРШАНБА, 30

ЎзТВ - I

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".

8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 Шарҳ тароналари.
9.25 "Соғлом она - соғлом бола".

9.45 "Тафсилот".
10.00, 12.00, 14.00 ЯНГИЛИКЛАР.

10.05 "Қалб гавҳари".
10.25 "Ёввойи оқушлар".

Бадий фильм.
11.45 "Спорт, спорт, спорт".

12.05 Болалар учун. "Фламинго".
12.25 "Баркамол авлод орзуи".

12.45 "Қиш сонатаси". Телесериал.
13.55 ТВ анонс.

14.10 "Остонаси тиллодан".
14.30 "Сибсат оламида".

14.50 "Жиз-биз". Ҳажвий хангома.
15.15 Мусикий таанфус.

15.30 "Ягона оилада".
"Болалар сайёраси".

16.00 1. "Болаликнинг мовий осмони".
2. "Болалар ва катталар".

17.00 "Умид". Телелотерея.
17.30 Футбол бўйича Ўзбекистон ва Белорусия терма жамоаларининг халқаро ўртоқлик учрашуви. Пахтакор. Марказий стадиондан олиб кўрсатилади. Танфус пайтида - Янгиликлар.

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЁШЛОНЛАР.

19.30 "Ахборот" (рус тилида).
20.00 Оқшом эртақлари.

20.15 "Юзма-юз".
20.30 "Ахборот".

21.05 "Санъат дўстликлари чорлайди".
21.40 "Ўзбекистон" каналида илк маротаба: "Камила".

Телесериал.
22.10 "Оталар сўзи - ақлнинг кўзи".

23.40 "Ахборот-дайжест".
24.00-00.05 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ - II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.

9.15 "Давр"-интервью.
9.30 Бахтиёр болалик кўшиқлари.

9.40 "Мультишома".
9.55 ТВ-анонс.

10.00 Саломат бўлинг.
10.20 "Ўтбеги" ("Ўзбекистон").

10.40 Таянч.
11.00 "Илм заҳмати".

11.20 Ёшлар овози.
11.40 "Гвадалупе". Телесериал.

12.20 "Ёшлар" телеканалида спорт дастури: 1. Нокаут 2. Теннис.

13.25 "Меҳр кўзда". Мактуларга шарҳ.
13.45 "Ақлдан оздирадиган ўйинлар". Сериал.

14.10 "Оби ҳаёт". Экологик тележурнал.
14.25 "Рей Брэдбери театри". Сериал.

14.50 Автопатруль.
15.10 "Учинчи сайёра". Матрикий дастури.

16.00 ТВ-анонс.
16.05 "Ғаройиб бола". Бадий фильм.

17.25 Кўрсатувлар дастури.
17.30 "Янги авлод" студияси: Оқ кабулар.

17.50 ТВ-анонс.
Шу кунгача ғалаба нималигини билмаётган "Бухоро", ниҳоят мазкур турда мухлисларини хурсанд қилди. Ўз майдонида "Машғал"га қарши тўп сурган бухороликлар учрашувнинг еттинчи дақиқасидаёқ, ўз дарвозасидан тўп олиб чиқишди. Лекин ўйин давомида ўз иродасини намойиш қил-

"Андижон" футболчилари ҳам биринчи бўлимда "Металлург" дарвоза-

сига иккита жавобсиз тўп йўллаб, уч очкога эга бўлишди.

Ушбу турдаги ягона дуранг натижа Тошкентда қайд этилди. "Дўстлик"ни қабул қилган "Трактор" футболчилари Ҳалимтоев томонидан 62-дақиқада киритилган гол эвазига ҳисобда олдинда боришаётган эди. Бироқ, бу йилги мавсумни "Дўстлик" таркибида бошлаган А.Писарев 76-дақиқада ҳисобни тенглаштирди.

Бешинчи тур натижаларига кўра, ҳар доим совринли ўринлар учун курашадиган жамоалар мусобақа жадвалининг юқори қисмига кўтарилиб олишди.

Ҳозирча, тўплар нисбатига кўра "Нефтчи" "Пахтакор"ни ортда қолдириб, биринчи ўринни эгаллаб турибди. Бу жамоалар бешта учрашувнинг барчасида ғалаба қозонган. "Насаф" ўз майдонида қўлга киритилган уч очкодан сўнг, жами тўққиз очко билан учинчи ўринга кўтарилди. "Навбахор" жамоасида ҳам шунча очко бор. Шунингдек, наманганликлар "Нефтчи" ва "Пахтакор" сингари ҳали мағлубиятга учрамаган. Лекин учта ўйинда дуранг натижа қайд этганлар.

Чемпионат жадвалининг сўнгги поғоналарини фақат биттадан ғалаба қозонган "Машғал" ва "Қўқон" жамоалари эгаллаб турибди.

5-ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. "Нефтчи"	5	5	0	0	16-2	15
2. "Пахтакор"	5	5	0	0	15-3	15
3. "Насаф"	5	3	0	2	9-4	9
4. "Навбахор"	5	2	3	0	8-4	9
5. "Дўстлик"	5	2	2	1	6-5	8
6. "Қизилқум"	5	2	1	2	9-6	7
7. "Андижон"	5	2	1	2	6-5	7
8. "Цементчи"	5	2	1	2	6-7	7
9. "Трактор"	6	2	1	3	7-16	7
10. "Самарқанд-Д"	4	2	0	2	2-2	6
11. "Сурхон"	5	2	0	3	5-9	6
12. "Бухоро"	5	1	1	3	6-8	4
13. "Гулистон"	5	1	1	3	3-11	4
14. "Металлург"	5	1	1	3	3-11	4
15. "Машғал"	5	1	0	4	7-7	3
16. "Қўқон-1912"	5	1	0	4	5-13	3

МУХЛИСЛАР ИШОНЧИ ОҚЛАНМАДИ

Осиё чемпионлар лигаси мусобақасида иштирок этаётган Тошкентнинг "Пахтакор" жамоаси финалда Таиланднинг "Бек Теро Сасана"си билан бақамти келди. Бангкокда ўтказилган биринчи учрашувда таиландликлар 3:1 ҳисобида ғалаба қозониб, финалга чиқиш имкониятини яхшилаб олди.

Футболчиларимиз финалга чиқиши учун жавоб учрашувида таиландликларни 2:0 ёки учта тўп фарқи билан енгитиши кифоя қиларди.

"Пахтакор" мухлис-лар ишончини оқлаш учун тинмай ҳужум уюштирди. Биринчи бўлимда А.Солиев, Л.Кошелев бир неча марта дар-

возабон ва ҳимоячиларни қийин аҳволга солиб қўйди. Лекин тўп "Бек Теро Сасана" дарвозасидан жой олмади.

Танаффусдан сўнг пахтакорчилар ҳужумни янада кучайтиришди.

Иккинчи бўлимнинг ўрталарида бурчақдан узатиб берилган тўпни А.Солиев таиландлик-

лар дарвозасига йўллади. Лекин япониялик ҳакам пахтакорчилар рақиб дарвозабонига нисбатан кўполлик ишлатди деб, голни инобатга олмади.

Футболчиларимиз учрашувнинг 85-дақиқасида ҳисобни очишга муваффақ бўлишди. С.Жепаров томонидан узоқ масофадан берилган зарба ҳимоячига тегиб, йўналишни ўзгартирди ва дарвоза тўридан жой олди. Қолганига пахтакорчиларга вақт ҳам, куч ҳам етмади. Икки ўйин натижасига кўра, "Бек Теро Сасана" финалга йўлланма олди.

РАУЛ ЖАРРОХЛИК СТОЛИДА

Испания терма жамоаси ва "Реал" клуби ҳужумчиси Раул Гонсалес шошилиш тарзда операция столига ётқизилди. Бу хабарни ўқиган мухлис-лар машҳур футболчи кўкқисдан жиддий жароҳат олган бўлса керак, деб ўйлашлари мумкин. Лекин бундай эмас. Уни кўричак безовта қилган.

Ҳозирча шифокорлар Раулнинг қачон майдонга тушиши тўғрисида ҳеч қандай маълумот беришмаяпти. Лекин шуниси аниқки, ҳужумчи ўзини тиклаб олиши учун бир неча ҳафта керак бўлади.

Боҳир БЕК.

МЕРГАНЛАР ҒАЛАБАСИ

Алматида ўқ отиш бўйича халқаро мусобақада динамочи вакилларимиз юқори натижаларга эришдилар.

Халқаро тоифадаги спорт устаси И. Шахов МВ-6 машқида 1157 очко тўплаб ғолиб бўлди. МП-6 машқи бўйича эса биринчи ўринни 540 очко жамғарган спорт устаси С. Возмишчев эгаллади. И. Шахов шунингдек, МВ-9 машқида иккинчи натижани кўрсатди.

ВП-6 ва ПП-3 машқлари бўйича учинчи ўринлар эса халқаро спорт устаси С. Харитонов ҳамда юқорида номи зикр этилган С. Возмишчевга насиб этди.

Мерганларни мусобақаларга тажрибали мураббий Д. Ситников тайёрлаган.

Ўз мухбиримиз.

ЁШ КАРАТЭЧИЛАР БАҲСИ

Шаҳрихон туманида 7-16 ёшли болалар ўртасида спортнинг каратэ тури бўйича турнир ўтказилди.

Ёшларнинг спортга бўлган қизиқишларини ошириш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, вояга етмаганларни гийҳвандлик таъсиридан сақлаш мақсадида ташкил этилган мазкур турнирда Шаҳрихон ва Бўз туманларидаги энг кучли ёш каратэчилар иштирок этдилар.

Мусобақа якунига кўра 53-гимназиядан Б. Тожибоев, Э. Ваҳобов, 8-мактабдан С. Исмоилов, Х. Комилов ҳамда 38-мактабдан Х. Одиловлар ғолиб чиқдилар. Тадбир давомида турнир иштирокчиларининг шарқ яккакураши бўйича қизиқарли кўргазмали чиқишлари ҳам уюштирилди.

Б. КЛЕЙМАН.

МУРОСАСИЗ БЕЛЛАШУВ

Урганч шаҳрида Хоразм вилояти ички ишлар идоралари ходимлари ўртасида спортнинг қўл жанги тури бўйича биринчилик бўлиб ўтди. Мусобақалар олимпия тартибида ўтказилди. Қизғин ва муросасиз беллашувлардан сўнг финал иштирокчилари аниқланди.


Ўз вазн тоифаларида Урганч шаҳар ИИБ ХООБ инспектори, милиция катта лейтенанти Р. Йўлдошев, вилоят ИИБ кинология хизмати кичик йўриқчи-кинологи, милиция сафдори Ў. Раҳимов, ППХ ва ЖТСБ бўлими сардори ўринбосари, милиция лейтенанти У. Салаев ва бошқалар ғолиб чиқишди.

Жамоа ҳисобида вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ бўлими маси биринчи, Гурлан тумани ИИБ иккинчи, вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ вакиллари эса учинчи ўринни эгаллашди.

Ғолиблар вилоят "Динамо" ФСЖ ёрлиқлари ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Б. ҲАҚБЕРДИЕВ,
ички хизмат майори.

Суратда: мусобақалардан лавҳа.



Долзарб мавзуда суҳбат

ХАВФНИНГ ОЛДИ ОЛИНМОҚДА

Бундан бир неча ҳафта илгари дунёда яна бир хавфли касаллик пайдо бўлди. Унга чалиниб, вафот этганлар ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ушбу касаллик дунёга хавф солаётганини эътироф этди. Оғир ўткир респиратор синдромининг янги вируси ҳозиргача уч қитъада қайд этилди. Хасталикнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари ҳақида батафсилроқ маълумот олиш мақсадида муҳбиримиз Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Давлат санитария-эпидемиология нazorати Департаменти бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори Нурмат Сатиниёзович ОТАБЕКОВ билан суҳбатлашди.

— Нурмат Сатиниёзович аввало касалликнинг белгилари, у қанчалик кенг тарқалгани хусусида тўхталсангиз.

— Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳозирги пайтда дунёнинг 20 дан зиёд давлатида жами 3000 дан ортиқ оғир ўткир респиратор синдроми (ОЎРС) касаллиги қайд этилди. Касалланиш оқибатида вафот этганлар сони 164 нафарга етди.

Хасталикнинг қўзғатувчиси ҳали тўлиқ аниқлангани йўқ. Бироқ бу борада изланишлар олиб бораётган дунёдаги 12 та илмий марказ уни короновируслар деб тахмин қилмоқда.

Касалликнинг яширин дав-



ри 10 кун. У асосан ҳаво орқали, баъзи ҳолларда мулоқот орқали юқиши мумкинлиги таъкидланмоқда. Касалликнинг асосий клиник белгилари йўталиш, ҳароратнинг кўтарилиши

ва нафас олишнинг тезлашиши, унинг қийинлашиши, баъзан танада тошмаларнинг пайдо бўлиши кабилардир.

Бугунги кунда касаллик Хитой, Таиланд, Канада, АҚШ, Италия, Франция, Бали, Ҳиндистон, Вьетнам, Жанубий Корея каби мамлакатларда қайд қилинган.

— Маълумки, касаллик асосан Жанубий-шарқий Осиё мамлакатларида тарқалган. Унинг юртимизга кириб келишига йўл қўймаслик борасида қандай тадбирлар амалга ошириляпти?

— Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида республика Бош Давлат санитария врачлари — Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари

Б. Ниёзматов бошчилигида етук мутахассислардан иборат махсус штаб ташкил этилган. Вазирлик томонидан (ОЎРС)га қарши кураш бўйича махсус чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган.

Шу бугунги кунгача юртимизда ушбу касалликка чалинган бирорта бемор аниқлангани йўқ. Интернет тармоғи бўйича, шунингдек, Ташқи ишлар вазирлиги, дипломатик корпуслар орқали дунёдаги ОЎРС борасидаги вазият кузатилиб бориляпти.

Республикадаги барча тиббий муассасаларда кучайтирилган эпидемиологик шайлик тартиби жорий этилган. Мутахассислар аэропортларда, шунингдек, касаллик тарқалиши хавфи бўлган Жанубий-шарқий Осиё мамлакатлари, Хитой

ва Узоқ Шарқдан учиб келган самолётларда фаолият кўрсатишяпти.

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси қошидаги Давлат санитария-эпидемиология нazorати маркази санитария-карантин пунктида доимий навбатчилик ташкил этган.

Самолёт Тошкент аэропортига келиб қўнғач, бортга биринчи бўлиб санитария-карантин пункти ходими кўтарилиб, стюардессадан тегишли ёзма маълумотни олади. Сўнг у са-




лонга кириб, йўловчилардан ҳол-аҳвол сўрайди, уларни кўздан кечириб, кейингина тушишларига рухсат беради. Санитария-карантин пунктида мазкур касалга чалинганлар, бунда гумонланганлар ва улар билан мулоқотда бўлганлар учун уч кишилиқ изолятор жиҳозланган. Пойтахтдаги 1-юқумли касалликлар шифохонасида эса 30 та ўрин ҳозирланган.

Йўловчилар тушиб бўлгач самолётларнинг салонлари, трап-лар дезинфекция қилинади.

— Хасталикни аниқлаш билан боғлиқ тушунтириш ишлари ҳам олиб бориляптими?

— Профессорлар Э. Мусабоев ва Б. Маткаримов экипаж аъзолари билан касалликнинг



кечиши, ундан сақланиш йўллари ҳақида махсус семинар машғулоти ўтказилар. Ҳозирда бундай машғулотлар ташкил этиш кундалик одат тусига кирган.


Касаллик хавфи бўлган мамлакатларга учувчи барча экипаж аъзолари етарли даражада дока, респиратор, резина кўлқоп ва дезинфекция воситалари билан таъминланган.

Аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб боришда эса оммавий ахборот воситалари имкониятларидан самарали фойдаланяпмиз. Жумладан, “Ахборот”, “Давр”, “Пойтахт” кўрсатувлари орқали юртдошларимизга эҳтиёт чоралари ҳақида батафсил маълумотлар бердик. Шу кунларда бу борадаги саъй-ҳаракатларни яна кучайтириш учун бор куч-имкониятларни ишга соляяпмиз.

— Хориж сафарига отланганларга, сайёҳларга қандай маслаҳат берган бўлардингиз?

— Ўта зарурат бўлмаса, Хитой, Сингапур каби Жанубий-шарқий Осиё мамлакатларига хизмат сафарларини кейинроққа қолдирганлари маъқул. Сайёҳларимиз ҳам то касаллик хавфи йўқолгунча бу ўлкаларга саёҳат қилишдан тийилишлари керак. Сайёҳлик фирмалари ўз мижозларига бу борада жўяли маслаҳатлар беришлари мақсадга мувофиқдир.

Суҳбатдош
Мурод ТИЛЛАЕВ.



Саломатлик сабоқлари

КАСАЛЛИККА ҚАРШИ ВОСИТАЛАР

Кўкйўтал қадим даврлардан бошлаб инсон организмида ўта оғир кечадиган юқумли касаллик ҳисобланган. Кўкйўталга чалинган кишини даволашда халқ табобатида қуйидаги шифобахш ўсимликлардан фойдаланилган.

Кунжутдан бир сиқим олиб, чойнакка солинади ва устидан икки стакан қайнаб турган сув қуйиб дамлаб қўйилади. 5—6 соатдан сўнг у донадан сузиб олинади. Бу дамладан кунига 3 маҳал ярим пиёладан ичиш тавсия этилади.

Бўтакўз ўсимлигининг тилсимон гулидан тайёрланган дамлама

ҳам кўкйўтални йўқотишда ёрдам беради. Дамладан кунига ярим стакандан ичилади.

Мол ёғи ҳам йўтални йўқотади. Ўрикнинг мағзидан дамлаб ичилса, йўтални даволашда қўл келади.

Халқ табобатида чучукмия илдизидан тайёрланган қайнатма кўкйўтал, кўкрак оғриғи ҳамда меъда-ичак касалликларини даволашда қўлланилади. Майдаланган илдиздан 15 грамм солиб, 10 дақиқа қайнатилади, совугач, донадан сузиб кунига 4—5 маҳал бир ош қошиқдан ичилади.

Юқорида ёзилганлардан ташқари, йўтал хуруж қилганида яна қуйидаги шифобахш ўсимликлардан фойдаланиш мумкин: ялпиз, кўка, игир.

ТЕРЛАТУВЧИ ВОСИТАЛАР

Шафтолининг меваси, барги шифобахш ҳисобланади, таомни яхши ҳазм қилдиради. Унинг баргидан тайёрланган дамлама кучли даражада терлаш ва инсон организмидagi хилтларни ҳайдаш хусусиятига эга.

Бўтакўзнинг тилсимон гуллари дамлаб ичилса, унинг шифобахш таъсири ҳам кучли бўлади.



Жўка гулидан тайёрланган дамлама (иссиқ ҳолда) турли шамоллаш касалликларида терлатувчи дори сифатида ишлатилади.

Ибн Сино янтоқнинг ер устки қисмидан тайёрланган дамламани йўтални қолдирувчи, терлатувчи ва кўкракни юмшатувчи дори сифатида ишлатган.

Эрмон ўсимлигининг ер устки қисмидан тайёрланган дамлама ҳам терлатувчи хусусиятга эга. Халқ табобатида

қора смородина баргидан тайёрланган дамлама ёки қайнатма қон босими ошганда, бод, тери ва буйрак касалликларида ҳам терлатувчи дори сифатида қўлланилади.

ТЕРЛАМА

(ич терлама)

Терлама (ич терлама) хасталиги ўткир юқумли хасталик ҳисобланиб, у ўзининг нохуш кечиши билан оғир касалликлар тоифасига киради. Бу хасталикка чалинган кишиларни даволашда ҳам халқ табобатида турли хил шифобахш ўсимликлардан фойдаланилган.

Наъматак қайнатмаси турли хил хасталиклар қатори терлама ва ич терламага ҳам даво бўла

олади. Оғзи ёпиладиган сирли идишга 2 стакан миқдорида сув қуйиб унга 1 ош қошиқ миқдорида наъматак мевасининг уқаланмаси солинади. У 10 дақиқа давомида қайнатилади, сўнг 10—15 соат тиндирилиб қўйилади. Қайнатма донадан сузиб олинган, кунига 3 маҳал ярим стакандан 10 кун мобайнида ичилади.

Седана ҳам шифобахш ўсимлик ҳисобланади. Унинг аччиқ дамламаси терлама, тумов каби хасталикларга даво бўла олади. Дамлама тайёрлаш учун седана 200 грамм қайноқ сувда дамлаб қўйилади. Дамладан ҳар куни ярим стакандан 3 маҳал овқатдан олдин ичилади.

Фидойи ҳамкасбларимиз

ҲАЁТ БАМИСОЛИ МАКТАБ

Дарҳақиқат шундай. Самарқанд архитектура қурилиш институтини муваффақиятли тамомлаб келган Нормат Урганч шаҳридаги 167-қурилиш-тиклаш трестига ишга жойлашди. Ҳали ёш бўлса-да, унинг иш юритиши, тақдим этаётган замонавий услубдаги лойиҳалари раҳбарлар томонидан қўллаб-қувватланди. Вақт ўтиши билан талайгина кўркем бинолар, иншоотларнинг муаллифи бўлган бу шижоатли йигитни турли ташкилот ва корхоналарга ишга таклиф қилишди. Нормат отаси билан маслаҳатлашиб, вилоят ИИБ капитал-қурилиш бўлимида ишлашга розилик берди.

Энди у ички ишлар тизимида ҳам қатор иншоотлар қад ростлашига ҳиссасини қўша бошлади. Вилоят ички ишлар бошқармаси раҳбариятининг ташаббуси билан осойишталик посбонларига учта тўрт қаватли, битта тўққиз қаватли турар-жой бинолари бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди. Айти пайтда яна битта 54 хонадонга мўлжалланган бино қурилиши якунланай деб қолди.

Ички хизмат подполковниги Нормат Машариповнинг тинимсиз саъй-ҳаракатлари туфайли вилоят ИИБга қарашли минтақавий шифохона, жанговар тайёргарлик майдони, ўқув маркази қурилиб, замон талаблари даражасида жиҳозланди. Вилоят ички ишлар идоралари ходимлари бу жойларда жанговар ва касбий маҳоратларини муттасил ошириб боришмоқда.

2000 йили ички ишлар идораларидаги самарали

хизмати учун Хоразм вилояти ҳокими ички хизмат подполковниги Нормат Ма-

пиши учун фидойилик кўрсатаяпти, – дейди вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари, ички хизмат полковниги М. Саидмуратов. Бундай қалби кенг, меҳнатга ташна инсонлар билан ҳақли равишда фахрлансак арзийди.

Фарзанд ота-онанинг қаноти, дейишади. Нормат аканинг ўғли Зафарбек милиция катта лейтенанти, вилоят ИИБда хизмат қилади. Одилбек тадбиркор. Матсапо компьютер устаси. Акбар эса 5-синф ўқувчиси. Ҳилола, Азиза, Мафтуна, Асилбек ва Умрбеклар ўз шўхликлари билан хонадонга завқ-шавқ бағишлашмоқда. Зиёда опа оила орасталиги-ю, саранжом-саристалигини таъминлаб, ўғил-қизлар тарбиясида турмуш ўртоғига кўмаклашаяпти.

– Ҳаёт бамисоли мактаб экан, – дейди ҳозирда вилоят ИИБ хўжалик бўлими бошлиғи бўлиб ишлаётган Нормат ака Машарипов. – Ундан кўп нарсаларни ўргандим. Назаримда ҳали бирорта арзийдиган иш қилмагандекман. Ҳозирча зиммамдаги вазифаларни бажаряпман, холос.

Яқингинада 50 баҳорни қаршилаган бу олижаноб инсонга соғлиқ-саломатлик, ғайрат ва шижоат тилаб қоламиз.

Х. ЖАББОРОВ.

Суратда: ички хизмат подполковниги Н. Машарипов неваралари билан.

Ж. ҚОЗОҚ олган сурат.



шариповни “Тико” энгил автомашинаси билан тақдирлади.

– Н. Машарипов юртимиз гуллаб-яшнаши, равнақ то-

Қоида ҳамма учун баробар

РИЗҚИМИЗНИ ТУЯ ҚИЛАЁТГАНЛАР

Бухоро темир йўл бекати тармоқ ИИБ ходимлари, милиция сержантлари Улугбек Баҳромов ва Икром Ҳусеновлар “Тошкент–Бухоро” йўналиши бўйича қатновчи поездда текширув олиб боришарди. Навбатдаги купеда ўтирган икки аёл уларни кўриб безовталана бошлашди. Йигитлар бундан шубҳаланиб, ҳужжат кўрсатишни сўрашди.

– Туркменистон фуқаролари бўлган бу икки аёл ҳеч қандай рухсатсиз Ўзбекистонга кириб келишган, – деди милиция сержанти У. Баҳромов. – Улар Олот туманилик воситачи ёрдамида Тошкентга боришгани ва у ердан керакли нарсаларни харид қилганларини айтишди. Биз воситачини аниқлаб, ҳаммаларини тармоқ ИИБга топширдик.

– Дастлабки тергов жараёнида бу аёллар Тошкент шаҳридаги Эски жўва бозоридан 6 миллион сўмликдан ортиқ озиқ-овқат маҳсулот-

ларини тайёрлашда ишлатилдиган хом ашёлар олиб келишаётгани маълум бўлди, – деди тармоқ ИИБ терговчиси, милиция капитани Бахтиёр Турдиев.

Бу аёллар Туркменистоннинг Мари вилоятидан бўлиб, чегара қоидаларини бузишган. Ўзбекистон ва Туркменистон давлатлари ўртасида тузилган Битимига асосан Бухоро ва Лебон вилоятларида (илгариги Чоржўй вилояти) яшайдиган фуқаролар у ёки бу ёққа зарурат юзасидан ўтиб, беш кунгача бўлишлари мумкин.

Бошқа ҳудудларга эса виза қоидаларига мувофиқ рухсат этилади. Шу жиҳатдан олганда марилик аёллар қоидабузарлик қилишган.

Ачинарлиси, уларга Олот туманилик Р. Ж. “ҳомийлик” қилган. У аёллар сотиб олган маҳсулотларни ўзига расмийлаштириб, Туркменистонга ўтказиб беришни зиммасига олган. Бунинг учун аёллар унга катта миқдорда пул ваъда қилганлар.

Дарвоқе, туркменистонлик аёллар Тошкентдан колбаса, сут маҳсулотлари, музқаймоқ ва салқин ичимликлар тайёрлашда қўлланиладиган, хорижда ишлаб чиқарилган хом ашёлар сотиб олишган.

Милиция сержантлари У. Баҳромов ва И. Ҳусеновларнинг ҳушёрлиги боис мамлакатимиздан четга олиб чиқиб кетилаётган 6 миллион сўмликдан ортиқ товар ушлаб қолинди. Қоидабузарларнинг чойчақасига учиб, ризқимизни туя қилишга уринган ҳамюртимизнинг қилмиши фош бўлди.

Ш. САДРИДИНОВ.

Турмуш чорраҳаларида

Шаҳар суди ҳовлисида танишимни кутиб турганимда юзи сўлгин, рангпар бир аёл менга яқинлашиб, бу ерга қандай иш билан келганимни сўради. Жавоб бергач, унинг ўзидан ҳол-аҳвол сўрадим.

– Э опа, дардим кўп, – аёл кўзларига ёш олиб, йиғи аралаш гап бошлади. – Ўғлим билан учрашиш учун рухсат олмакчиман.

– Унга нима бўлган, бемалол гапираверинг.

– Уч қизнинг орасида ёлғиз ўғилни папалаб, еру кўкка ишонмай вояга етказдим. Егани олдида, емагани ортида, отаси йўқлигини билдирмай, бировдан кам қилмадим. Ҳаёлимда

ўртоғимнинг, опасига пул зарур бўлиб, қолган экан сотди”, – дея мени тинчлантирди.

Бироқ болам мени алдаган экан. Эртасигаёқ тилла занжир ўғирланганини билиб, эгасига қайтариб олиб бордим. Ундан эса... “ўғлингизга ўлжадан теккан улус бу, нега менга олиб келдингиз?” деган гапни эшитдим.

Ўша ҳафтанинг ўзида анчадан буён ўғрилиқ билан

ОНАНИНГ КЎЗ ЁШИЛАРИ

ўғлим ўктам, мўмин ва мағрур йигит бўлиб ўсаётгандек эди. Опалари ҳам унинг кўлини совуқ сувга урдиришмасди.

Қизларимни бирин-кетин кам-кўстсиз узатдим. Ўғлим ўрта мактабни, кейин билим юртини битирди. Ҳаёлимда у билимдон, зукко, ўз касбининг устаси, кўлидан келмайдиган иши йўқ. Хуллас, типратикан боласини юмшоғим дегандек, мен ҳам бўй-басти келишган фарзандимни унча-мунча йигитдан юқори қўярдим.

Вақти етиб, уни яхшигина оиланинг ойдек қизига унаштирдик. Нон синдирилиб, тўй куни белгиланди. Тўй ҳаракатлари билан андармон бўлиб юрганимда ўғлим “ойи, манавини саксон минг сўмга сотиб олдим, келинга совға қиларсиз” деб залворлигина тилла занжирни қўлимга тутқазди. “Болам, бу тақилган буюм. Нархи ҳам 250-300 мингдан кам эмас, ўғирланган бўлмасин, тагин”, – дедим гумон билан. “Йўқ, ойи,

шуғулланиб юрган жиноий гуруҳ кўлга олинди. Уларнинг орасида менинг ўғлим ҳам бор эди. Суд бўлиб, гуруҳ аъзоларига тегишли қонуний жазо берилди.

Она юзларини юваётган кўз ёшларини артиб, гўё маслаҳат сўраётгандек, менга юзланди:

– Ўғлим ҳозир қамоқда. Келиннинг онаси тушунган аёл. У “куёвбола чет элга, ишлагани кетди”, дея қоламиз дейди. Тўйи куни белгиланган, йигит қандай қилиб, чет элга кетади? Эл-юрт олдида нима деган одам бўлдим? Тўйни нима деб қолдираман? Қиз энди ўғлимни кутади, йўқми?

Аёл ёғоч ўриндиқда икки букилиб ўтирганича ўқсиб, озгин елкалари силкиниб йиғларди.

Онани юпатишга сўз тополмадим. Ўз фарзандидан алданган онаизор дардига қандай сўзлар айтиб малҳам бўлиш мумкин? Бунга сиз нима дейсиз, азиз муштарийлар?

Шаҳзода ХУДОЙБЕРДИЕВА.



1-тоифали шифокор Райхан Худиярова йигирма беш йилдан буён Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ тиббийёт бўлими поликлиникасида ишлаб келади. У шу давр ичида ўз касбининг устаси сифатида ҳурмат-эътибор топди. Малакали шифокор ўз билимини ошириш билан бирга ёшларга мураббийлик ҳам қилмоқда.

Суратда: Р. Худиярова (чапда) ҳамшира И. Нурибегова билан беморни кўздан кечирмоқда.

Ш. СИПАТДИНОВ олган сурат.

Жиноятга жазо муқаррар!

МАСТЛИК САБАБИ
ЁКИ БАҲОНА?

Эндигина 18 ёшга кирган Олим Ҳамидов Тошкент шаҳар С. Раҳимов тумани Қорақамиш даҳасида истиқомат қилади. Маълумоти тўлиқсиз ўрта. Ўғрилиқ содир этгани учун ўтган йилнинг 23 июлида Миробод туман суди томонидан 3 йилга озодликдан маҳрум этилган ва 1 йил синов муддати берилган эди. Бундан қарангки, ҳали ушбу муддат ўтмай туриб у яна жиноятга қўл урди. Қизиғи шундаки, жиноятларнинг ҳар иккисини ҳам бир жойда, яъни пойтахтимизнинг Сайилгоҳ кўчасида содир этди.

Олим кеч соат 22.00 ларга яқин шу ерда овқатланиб, 200 грамм арок ичади. Сўнггра таниши В. Холмиров билан Амир Темур хиббони орқали метрога ўтиб кетаётганда фуқаро Усмоновни учратиб қолади. Қўлидаги лезвия билан уни қўрқитиб пул сўрайди. Усмонов пули йўқлигини айтганда Олим унинг қоринини лезвия билан кесиб юборади. Баданидан қон оқаётган Усмонов бир амаллаб қочишга муваффақ бўлади ва шу ерда юрган милиция ходимларига бўлган воқеани баён қилади.

Улар тезда жабрланувчи дастлабки ёрдам кўрсатиб, Олимни қочиб кетаётган жойда ушлаб олишди. У қамалишдан қўрқиб ўз томирини ҳам лезвия билан кесди. Ходимлар уни 17-шаҳар клиник касалхонасига, сўнггра Юнусобод тумани ИИБга олиб боришди.

Юнусобод туман жиноят ишлари бўйича суди О. Ҳамидовга қилмишига яраша жазо тайинлади. Олим жиноятни мастлик оқибатида билмасдан содир этгани ва қилмишидан пушаймонлигини айтди. Шу билан бирга синов муддати тугамасдан янги жиноятга қўл ургани ҳам инобатга олинди. Миробод туман судининг ҳукмига асосан илгари тайинланган жазони қисман қўшиб йўли билан 5 йил озодликдан маҳрум этилди.

Жазо-ку тайинланди. Аммо ёш йигитнинг жиноят кўчасига кириб қолишига ким ва нима сабабчи бўлди? Нега у мактабни тўлиқ би-

тириб тенгдошлари қатори бирор олий ўқув юртига кирмади ёки бирор ҳунар эгаси бўлишни истамасди? Ҳеч бўлмаса ўзига мос иш топиб ишламади? Нима учун ота-онаси унга дастлабки жазо тайинланганидан кейин ҳам бефарқ бўлишди? Асосий Комсомизнинг 64-моддасида ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбур эканлиги таъкидланган. Агар ота-она ўз бурчини тўғри англаб, фарзандларини тартибга чақирганларида бу ҳол юз бермаган бўларди.

Тергов жараёнида йигитнинг ўғай онаси Олим унга қулоқ солмай қўйгани ва уйдан чиқиб кетганини маълум қилди. Она-ку майли, аммо оила бошлиғи — Одил ака нега ўз ўғлининг бир ойлаб уйда бўлмаганига лоқайдлик билан қаради?

Орамизда Олимга ўхшаш ёшлар учраётгани сир эмас. Уларнинг тарбияси билан фақат ота-оналар эмас, балки яқинлари, қўни-қўшни, маҳалла-қўй ҳам бир-галикда шуғулланиши, мақсадга мувофиқдир. Зеро, бир болага етти маҳалла ота-она деб, бежиз айтишмаган.

Т. ОБИДОВ,
Ш. ПАРПИЕВ.

ҲИКМАТ

Йўқ асти нолишим
бегоналардин,
Не келса бошга
келди ошинодин

Февраль ойининг изгиринли кунлари. Яқиндагина ўғрилиқ қилиб, судланган Темур Курбонқулов бекорчиликдан ўзини қўйишга жой тополмайдди. Бир ёғи совуқ, танани иситай деса, чўнтакда ҳемири йўқ. Бир ёғи арзимаган ўғирликни деб, қўлга тушиб, судланганининг алами. Хуллас, ишлар пачава...

“Ис, анави узун-қисқа бўлиб келаётганлар Расул билан Игорь эмасми? Вей, худди ўзлари-да...”

— Ҳа, оғайнилар, шундай совуқда нега изғиб юрибсизлар? — сўради у.

— Э-э, бормисан ошна? Сени йўқлаб келаётгудик. Биз-

дек меҳрибонинг борми, ғам ема! Қисқаси, озодмисан? Озодсан. Ана шунинг учун бир отамлашмасак бўлмас.

БИР СОАТЛИК
«ҚАҲРАМОН»ЛАР

Учовлон ул-бул харид қилган бўлиб, Темурниқиди ўтиришга келишишди. Ҳеч вақт ўтмай давра қуришди. Улар кетма-кет пиёлаларни бўшатишар, кайфлари ошган сари онглари хиралашарди. Меҳмон кунни кеча судланганини ҳам унутиб, Игорь ва Расулга шу атрофда бир хонадоннинг эгаси ёлғизлиги, уйда анча-мунча нарсалар борлигини айтди.

Улар Олмалик шаҳридаги кўчалардан бирида яшовчи Г. Себковнинг хонадонига боришганда, вақт соат тунги ўн бирлардан ўтганди. Дарвозадан ошиб, ичкарига мўралашса, кекса уй соҳиби ошхонада қуймаланиб юрибди. Темур билан Расул чолга ёпишиб ерга йиқитишди, Игорь эса тезда қўл-

оёқларини арқон билан боғлаб ташлади. Шундан сўнг Темур “Снежок”, Игорь “Берёза” музлаткичларини орқалашди, Расул телевизорни кўтарди. Уларни жойлаштириб қайтишгач, навбат диван-креслоларга, сўнг кийим-кечакларга келди. Қимматбаҳо буюмлар, пул, тақинчоқлар топиш илинжида ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қилган ҳамтовоқлар, анчагина орден-медаллар топишди. Темур қилган ишидан руҳланиб кетди шекилли, уларнинг айримларини кўкрагига тақиб олди. Қолган ўндан ортиғи бўлиб олинди. Мастликда кўкракка тақилган нишонлар босқинчилар тўдасини тутишда қўл келди...

М. ИБРОҲИМОВА.

«ДОРИ» УЧУН ЭККАНМИШ...

Улуғбек томорқа четидаги теракзор орасига экилган наша уруғидан униб чиққан нихолларни ўзгача меҳр билан парваришларди. Бирок барқ уриб ўсаётган кўчатлар аста-секин қуриб қолаверди. Хайрият, бир тупи қолди. Улуғбек ана шу кўчатни кўз қорачигидек асради. Кузга бориб, кўчат етилди. Уни томга олиб чиқиб, қуритиш учун осиб қўйди.

Бутун ёз давомида ғалати кўчатга меҳрини берган эрининг ҳаракатлари Маъмурада шубҳа уйғотди.

— Бу қандай кўчат, дадаси? — сўради у бир кун. — Хиди ҳам алламбало?

— Хидими қўявер хотин, — деди Улуғбек муғамбирона кўз қисиб. — Бунни қуритиб, қайнатиб

ичсам ошқозонимга даво бўлади. Маъмура содда эмасми, қувониб кетди:

— Демак, бу доривор ўсимлик экан-да. Жуда яхши бўлибди, неча йилдан бўён ошқозонингиз оғриб, дард чекардингиз.

Улуғбекнинг юзи ёришди. Энди у асраб-авайлаётган кўчатга аёли ҳам меҳр қўя бошлади.

Лекин Андижон темир йўл бека-ти тармоқ ИИБ тезкор ходимлари ўтказган навбатдаги “Қорадори” тадбири пайтида Улуғбекнинг ноҳўя ҳаракатларига чек қўйилди. Маъмура эрининг қилмишини англаб етди. Улуғбек наркологик-диспансерда махсус кўрикдан ўтказилганда аввалдан гиёҳвандлик моддалари истеъмол қилгани маълум бўлди. У даволанишга мажбур эди.

Уч фарзанди тақдирини ўйлаш ўрнига турмуш ўртоғига ташвиш келтирган Улуғбек сўнгги пушаймондан фойда йўқ эканлигини англаб етди.

Д. САЛОҲИДДИНОВ,
милиция лейтенанти.

ЯНА ЖИНОЯТ
КЎЧАСИДА...

Тошкент шаҳрининг Ҳамза туманида бир кимса ўткинчи аёлга пичоқ ўқталиб, зиракларини ечиб олди. Шу яқин орада хизмат вазифасини ўтаётган хушёр милиция ходимлари бундан хабар топиб, дарҳол талончини қўлга олдилар. Тергов вақтида у Тошкент вилоятида яшовчи С. лиги аниқланиб, аввал ҳам шу каби жиноятларни содир этгани исботланди.

КОТИЛ НАБИРА

Чирчик шаҳрида яшовчи 80 ёшли А. Шевцованинг жасади ўз уйининг ертўласидан топилди. Қотилликни марҳуманинг 24 ёшли набираси содир этган экан.

УЛФАТИНГ

КАРҒА БЎЛСА...

Тошкент шаҳри Лисунов кўчасидаги уйлардан би-

... ПАЙШАНБАДАН ПАЙШАНБАГАЧА...

рида яшаган В. Белов ва унинг таниши, муқаддам судланган В. Иодларнинг пичоқлаб ўлдирилгани маълум бўлди. Хонадондан мусиқа маркази, бир қанча компакт диск ва биллур идишлар олиб кетилганди.

Тезкор қидирувлар давомида жиноят фош этилди. Айбдорлар тошкентлик муқаддам судланган шахслар бўлиб, қотиллик ўзаро келишмовчилик натижасида содир этилган экан.

НАЙРАНГИ ЎТМАДИ

Сурхондарё вилояти-нинг Кумкўрғон туманида яшовчи, қишлоқ амбулаторияси ҳамшираси У. ўз уйида босқинчилик содир бўлгани ҳақида маълум қилди. Хонадон кўздан кечирилганда унинг 26 ёшли ўғли қонга беланган ҳолда жонсиз ётарди.

Аёлнинг айтишича, номаълум кимса уйга бостириб кириб, ўғлининг бош қисмига бир неча бор ўтқир тиг билан урган. Хонадон бекасини ҳам калтаклаган. Қидирув ишлари қутилмаган ҳолатда яқин топди. Аниқланишича, хонадонга ҳеч ким бостириб кирмаган, қотил онанинг ўзи бўлиб, жиноят изларини яшириш мақсадида нотўғри кўргазма берган экан.

«ТАЛОНЧИ»

АЁЛЛАР

Самарқанд вилояти Ургут туманидаги бозор ҳудудида қашқадарёлик Равзия талончиларга дуч келди. Унинг қўлидаги сумкасига чанг солган икки аёл ичидан 100.000 сўм пулини олиб, қочиб кетишди. Қўрилган чоралар натижасида улар қўлга олинди.

ЯРАТГАНГА ЁҚМАГАН

«ХУНАР»

Олмалик тоғ-металлургия комбинатида қарашли автокорхона ҳудудида яширинча кириб келган кимса электр симларни ўғирлаш мақсадида симёғочга чиқди. Бирок у юқори қувватли электр токи уриши натижасида жон таслим қилди.

«ВАКОЛАТ»ЛИ

РАҲБАР

Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги фирма-лардан бирининг раҳбари ўз кўл остида ишловчи ходимга нисбатан “айблов” эълон қилди. Раҳбар уни ўғирликда гумон қилаётган эди. “Эҳтиёт чораси” сифатида гумондор “ҳибса олинми” уч кун мобайнида фирма ертўласига қамаб қўйилди. Ҳозирда ходим озодликка чиқди, фирма раҳбари эса қилмишига яраша жавоб беради.

И. МИНАВАРОВ,
милиция майори.

ШАХСИ АНИҚЛАНМОҚДА

Тошкент шаҳар ИИББ тергов бошқармаси йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш бўлимида содир этилган йўл-транспорт ҳодисаси бўйича жиноий иш қўзғатилган. Дастлабки терговда аниқланишича, 2003 йил 1 апрель кунни кеч соат 19.30 лар атрофида Тошкент шаҳар Яккасарой тумани Ҳ. Умаров кўчасида рўй берган автоҳалокатда 25 ёшлар чамаси, Осиё миллатига мансуб эркак киши ҳалок бўлган.

Бўйи: 160-165 см, сочи қора, калта, юзи чўзиқроқ.

Кийимлари: эгнида қора камзул, тўқ кўк ранг свитер, сариқ футболка, қора жинси, оёғида оқ йўлли қора рангли кроссовка бор.

Юқорида қайд этилган маълумотлар бўйича бу шахсни билганлар 55-88-85 рақамли телефон орқали терговчи О. Орифбоевга хабар беришларини сўраймиз.

Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Қашқадарё вилояти ИИБ бошлиғи, милиция полковниги
Абдиқарим ЮЛБАРISOVнинг ҳалок бўлгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Қашқадарё вилояти ИИБ бошлиғи, милиция полковниги
Абдиқарим ЮЛБАРISOVнинг ҳалок бўлгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Сурхондарё вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Қашқадарё вилояти ИИБ бошлиғи, милиция полковниги
Абдиқарим ЮЛБАРISOVнинг ҳалок бўлгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Қашқадарё вилояти ИИБ бошлиғи, милиция полковниги
Илҳом ҚОСИМОВнинг бевақт вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Қашқадарё вилояти ИИБ бошлиғи, милиция полковниги
Миртилло ҒУЛОМОВнинг бевақт вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Сирдарё вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Қашқадарё вилояти ИИБ бошлиғи, милиция полковниги
Илҳом РАҲМОНОВнинг бевақт вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Дунёда менинг хотинимдан соддароқ аёл бўлмаса керак. Кейинги вақтларда аёллар ўртасида тез-тез ўтказилаётган "Ўзгалар танлови" "Энг содда аёллар танлови" деб ўзгартирилсаю, бунда маликаи дилозорим ҳам иштирок этса. Ҳеч шубҳасиз, у бош соврин соҳибаси бўлар эди.

Одатда бирор кимсанинг соддалигини таърифламоқчи бўлишса, фалончи жуда содда-да, ҳўкиз туғибди деса ҳам ишонади, деган иборани қўллашади. Менинг хотиним ана шундай содда одамлар тоифасига киради. Лекин... Лекин бир воқеа сабаб бўлдию, унинг бу қадар содда эмаслигига, топқирлик ва синчковликда унча-мунча изқуварни ҳам ортда қолдиришига амин бўлдим.

Пиёладаги сўнгги ҳўплам чойни ичиб энди турмоқчи эдим, хотинимнинг саволомуз нигоҳи мени қайта жойимга ўтиришга мажбур қилди.

— Ҳўш, менда ишинг борми?

— Дадаси, жо-о-н дадаси, — деди у ғоят ялпизча оҳангда, — манавини олиб беринг.

У столга мўъжазгина фаранг атири шишасини қўйди.

— Биласан-ку, ҳозир пулим йўқ. Қолаверса, атир ҳидига аллергиям бор.

— Бўлмаса бунисини олиб беринг, — у атирнинг ёнига шапалоқдек пластмасса идиш қўйди. — Пудра! Нархи ҳам қиммат эмас, атиги беш минг сўм!

— Жоним! Пудра суриб юзингдаги доғни кетказишингни хоҳламайман. Менга шундоқ ҳам ёқсан. Ахир, ойнинг ҳам доғи бор-ку!

— Сизга фақат гап бўлса, — хотиним зарда билан но-

нуштага ёзилган дастурхонни йиғиштира бошлади. — Ҳар доим тўтиқушдек бир гапни такрорлайсиз: пулим йўқ! Ҳақиқий эркак маишатни ҳам ўрнига қўяди, хотинини ҳам эсидан чиқармайди.

Бир неча йиллардан бери хотинимнинг итоатгўйлигига кўникиб қолган эканман. Унинг бу гаплари ўта ҳурматсизликдек туюлди.

— Менга қара, хотин, — ўзимни босишга қанча ҳаракат қилсам-да, бақириб юбордим. — Биринчидан, анави олиб-сотар қўшнига тайинлаб қўй. Бу ерга бўлган-бўлмаган матоҳларини қўтариб чиқармасин. Иккинчидан, мен қачон болалар ризқини қийиб ўзимни маишатим учун пул сарфладим? Бунини исботлаб бер.

— Керак бўлса исботлайман, — у менга қаттиқ тикилди. — Дадаси, андишани отини кўрқоқ қўйманг! Шу вақтгача индамай келдим. Етар энди. Ҳадеб босаверсангиз курбақа ҳам "вақ" деб юборади.

У ўрнидан туриб жавонни очди-да, кичкинагина елим халтача олди.

— Чойхонада ошхўрлик қилишни ташлаб юборганман деб қасам ичасиз. Лекин машинангиз юкхонасига тўкилиб қолган баъзи нарсалар гапингиз ёлғонлигини исботлаб турибди.

У халтачага қўл тикди-да, бир неча гуруч донаси ва бир чимдим зирани стол устига ташлади.

— Мана бу — Хоразмнинг элита гуручи, зира эса Эронники!

— Ўв, оғзим бор деб ҳар нарсани валдирайверсан-

ми? Тунов кунини тўй қилаётган ҳамкасбимга бозор қилишга ёрдамлашиб юборгандим. Бу нарсалар ўшанда тўкилиб қолгандир.

— Майли, сиз айтгандек бўла қолсин, — хотиним қўшларини чимирди, — у халтачага яна қўл тикиб бир дона соч толасини

бунини сездирмасликка ҳаракат қилдим. — Хотин, сенга айтмаган эдим. Бензин пули чиқармак деб баъзан киракашлик қилиб тураман. Ахир, ўзинг ўйлаб кўр. Мен қайси йўловчи қандай сигарет чекишини ёки машина салоида ётган соч толаси қай бир мижозга тегишли

га боришим керак экан.

Хотинимнинг истеҳзоли нигоҳи мени таъқиб этар, у яна биронта сирымни ошкор қилишидан кўрқиб қолган эдим.

— Ҳужжатларни ташлаб кетаверинг, — хотинимнинг овозини эшитиб, ҳужжат тўла папкани беихтиёр жойига қўйдим, — барибир у сизга керак бўлмайди.

— Нега энди. Ахир соат бешга...

— Тўғри, соат бешга етиб боришингиз керак. Лекин бошқармага эмас, Шофайздаги чойхонага.

— Хотин, ҳалдингдан ошаверма. Ахир, ўзинг ҳам эшитдинг-ку!

— Ҳа, эшитдим. Шунинг учун гапираяпман. Ўртоғингиз Илсга айтиб қўйинг, овозини ўзгартирмай қўя қолсин. Улфатингиз бор-йўғи кўрқоқ театрининг оддий актёри, халқ артисти бўлганда ҳам барибир овозини танийман. Адашмасам, у чойхонадаги ош ҳақида эрталаб ҳам эслатган эди.

— Балки бу даъволарини ҳам асослаб берарлар, ойимқиз, — энсам қотганини яшириб ўтирмадим.

— Албатта, асосиз айтилган гап тўхмат билан баробар.

Хотиним дик этиб ўрнидан турди-да, уйга кириб кетди ва зум ўтмай қандайдир телефон аппарати кўтариб чиқди.

— Мана исботи. Бу сим қоққан кишининг телефон рақамини аниқлаб берадиган қурилма.

Шундагина мен агар телефон жиринглаб қолса, хо-

тиним гўшакни менга бериб ўзи кўшни хонага кириб кетиши сабабини англагандек бўлдим.

Оббо, хотин-ей! Мен уни бировнинг суҳбатига қулоқ солишга ийманади, деб ўйлардим. Гап бу ёқда экан-да.

— Кеча банкданман деб, бир ҳафта аввал солиқ бошқармасиданман деб телефон қилган аёл юнусободлик Зухраҳон! Битта боласи бор, эри йўқ. Бир неча марта телефон қилиб сизни сўраган чилонзорлик ёлғиз аёл Лолахонни эса ободонлаштириш бошқармасига ҳам, Қизил ярим ой жамиятига ҳам мутлақо алоқаси йўқ! Машинангиздан топишган бояги сигарет қолдиги қорақамишлик Лизахонга тегишли. Ҳўш, энди соч толасига келсак...


— Бўлди, хотин! Бўлди! — стол устидаги сочиқни олиб хотиним олдига ташладим-да, иккала қўлимни баланд кўтардим. Одатда мусобақада мағлуб бўлаётган боксчининг устозлари рингга сочиқ ташлашади. Шу топда хотинимни оғзидан чиқаётган ҳар бир сўз оғир вазни боксчи зарбидан ҳам кучлироқ эди.

... Мана, салкам икки ойдан бери ёлғизман. Хотиним болаларни олиб уйига кетиб қолган. Аммо бир нарсга тан беришим керак. Тажрибали изқувар ҳам воқеаларни бу қадар аниқ таҳлил қила олмайди. Шу ўринда сиз, эркакларга айтиб қўяй. Хотиним ҳеч нарсга билмайди деб хом ҳаёлларга берилманг. Улар эркакларга қараганда анча сезир ва фаросатли. Фақат аёлларимиз оила мустақамлигини ўйлаб, кўп сирларимизни ошкор этишмайди.

Ҳожимурод АБДУРАҲИМОВ.

«ИЗҚУВАР»

(Ҳажвия)



олди. — Бунини машинангизни орқа ўриндигидан олдим. "Импрессия" соч бўёғига бўялган. Мана бу олд ўриндик остида ётган экан, — аёллар чекадиган ингичка фильтри "Pine" сигаретининг қолдиги. Яна шунини айтишим мумкинки, унинг соҳибаси ўттиз иккинчи рақамли "Голден роз" лаббўёғидан фойдаланар экан.

— Ҳаммаси ёлғон! Ҳаммаси тўхмат! — унинг далилларидан ҳайратга тушсам-да,

эканини қаердан биламан.

Хотиним нимадир дейишга оғиз жуфтлаган эди, телефон жиринглаб қолди.

— Ҳа, — гўшакни хотиним кўтарди. — Ҳозир!

У гўшакни менга узатар экан, захархандалик билан деди:

— Сизни сўрашапми. Уй-жой бошқармасидан.


— Оббо, шу етмай турувди, — гўшакни жойига қўяр эканман норозилик билан тўнғилладим, — соат бешга ҳамма ҳужжатларни олиб бошқарма-

ЮРИДИК КРОССВОРД

ЭНИГА: 7. Тоҳир Малик қаламига мансуб қисса. 8. Россиянинг Адлия вазири бўлган рус шоири (1743-1816). 10. Дарахтлар билан қопланган катта ер майдони. 11. Ҳинд бадийи фильми (бош ролни Амиабх Баччан ижро этган). 12. "Қирқ тўртинчи йилнинг августида..." романининг муаллифи. 15. Кўпгина детектив фильмлар яратган инглиз-американ кинорежиссёри. 18. "Терговни билимдонлар олиб боради" номли кўп серияли телефильм қахрамонларидан бири (эксперт-криминалист аёл). 19. Ҳуқуқ-тартибот ва эл-юртимиз осойишталигининг посбони. 20. "Бери кел, Мухтор!" кинофильми сценарийсининг муаллифи. 21. Ёлланган қотил. 24. Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш муассасаларининг бир тури. 26. Кинода милиция ходимларининг ролларини кўп марта ижро этган машҳур рус актёрларидан бири. 27. Уфқ (дунё) томонларини аниқлайдиган асбоб. 31. Қўл жангининг оммалашган усулларидан бири. 33. Қайси улғу шоир ўз рубоийларидан бирини "Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидур" деган сўзлар билан яқунлаган? 34. Ҳарбий унвон. 35. Суд тиббиёти ва криминалистиканинг машҳур алломаларидан бири. 36. Давлатга қарши жиноятларнинг бир тури.

БЎЙИГА: 1. Криминалистлар томонидан ишлатиладиган оптик асбоб. 2. Атоқли адиб Миркарим Осимнинг тарихий-қахрамонлик мавзуда ёзилган қиссаларидан бирининг номи. 3. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан чиқарилган норматив ҳужжат. 4. Жиноят содир бўлган шароит, унинг сабаблари ва айбдорини аниқлашга қаратилган процессуал ҳаракат. 5. Компьютернинг электр ҳимоясини бузиб, унга "туйнук" орқали кириш йўли билан пул ўғирлайдиган жиноятчи. 6. "Учрашув жойини ўзгартириб бўлмайди" телефильмида милиция капитани Жеглов ролини ижро этган актёр. 9. Ўрта Осиёнинг қадимий халқлари орасида машҳур бўлган қахрамон аёл ҳақидаги афсона. 13. Қоровуллик ва қидирув хизматларида фойдаланиладиган ит зотларининг бири. 14. Американинг донғи кетган биринчи изқувари (XIX аср). 16. Полиция комиссари Мегрэ ҳақидаги детектив китобларнинг муаллифи. 17. Л. Н. Толстой романларидан бири. 22. "Жиноят қидирув инспектори" фильми бош қахрамонининг фамилияси. 23. Тошкент милициясига ўн йилдан ортқ бошчилик қилган милиция генерал-майори. 25. Спорт тўппончасининг ихтирочиси. 28. Қамоққа олинган шахс. 29. Милиция ҳақида кўпгина роман ва қиссалар ёзган таникли рус ёзувчиси. 30. Юртимиздаги маъмурий-ҳудудий бирлик. 32. Банкнинг бўлимларидан бири.

Тузувчи Ҳамидулла АБДУЛЛАЕВ.



ЎТГАН СОНДАГИ ЦИКЛОКРАССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

1. Разведка. 2. "Анор". 3. Болохона. 4. Брно. 5. Антрацит. 6. Сода. 7. Чора. 8. Иншо. 9. Болгария. 10. Агра. 11. Ботсвана. 12. Бонн. 13. "Бозиргон". 14. Ранг. 15. Уста. 16. Грим. 17. Истанбул. 18. Бону. 19. Мушоҳада. 20. Ганч. 21. Млцкевич.

КРИПТОГРАММА

Очқич сўзлар: 1. Байроқ. 2. Гол. 3. Жарима. 4. Душанба. 5. Сих. Ҳикмат: Халқнинг олижаноблари донишманд - қонунонослардир.

**O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI IIV
BIRLASHGAN
TAHRIRIYATI**

MANZILIMIZ:
700029,
Toshkent,
Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

**Bosh muharrir
Shuhrat MURODOV**

Bosh muharrir
o'rinbosari v.b.
**Murod
TILLAYEV**
Mas'ul
kotib
R. BERDIYEV

Navbatchi:
S. SHAMSIDDINOV
Sahifalovchi:
Z. BOLTAYEV
Musahhihlar:
**M. AKRAMOVA
G. XOLIQOVA**

TELEFONLAR:
Bosh muharrir
o'rinbosari 139-75-69.
Kotibiyat 59-20-96.
muxbirlar
bo'limi 139-75-69.
Buxgalter 139-75-37.
Faks 132-05-51.

E-mail:
urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami
20210000700447980001,
MFO 00421.
«Ipak yo'li» aksiyadorlik
investitsiyaviy tijorat
bankining Mirzo
Ulug'bek bo'limi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat matbuot
qo'mitasida 00007 raqam bilan ro'yxatga olingan
Buyurtma 7 — 305. Hajmi — 4 bosma taboq.
Bosilish — ofset usulida. 42992 nusxada chop etildi.

• Ko'chirib bosishda
«Postda» dan olinganligini
ko'rsatish shart
• Muallifning mulohazasi
tahririyat fikriga mos
tushmasligi mumkin.
• Qo'lyozmalar tahlil
qilinmaydi va
qaytarilmaydi.

Obuna raqamlari:
Yakka tartibda — 180
Tashkilotlar uchun — 366
Gazeta haftaning payshanba
kunlari chiqadi.
Bosishga topshirilish vaqti — 20.00.
Bosishga topshirildi — 20.00.

«SHARQ»
nashriyot-matbaa aksiyadorlik
kompaniyasi bosmaxonasida
chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko'chasi
41-uy.
1, 2, 3, 4, 5, 6.